

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Педагогика ва психология кафедраси йўналиши учун

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР МЕТОДИКАСИ

фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Катта ўқитувчи: Сувонов О

Гулистан – 2018 йил

**Тузувчи: Педагогика факультети “Педагогика ва
психология кафедраси катта ўқитувчиси**
Сувонов О

**Тақризчилар: Холматов П.Қ. пед. фан номзоди, доцент
Рахимов Б.Х. пед. фан номзоди, доцент**

Мазкур фан 5-8 семестрларда ўқитилади

**Умумий соат 218 жумладан: 100 с - маъруза
30 с –лаборат**

25 с- амалий

28 с –семинар

34 с –муст. таъл

Жумладан 5 семестрда 32 с-маъруза

10 с-лаборат.

8с –семинар

8с – амалий

12 – муст. таълим

6 семестрда 34 с- маъруза

4 с –лобарат.

4 с –семинар

4 с – амалий

12 с – муст. таълим

МАВЗУ: ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР МЕТОДИКАСИ ФАНИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

РЕЖА:

1. Фаннинг предмети ва тузилиши.
2. Фаннинг мақсад ва вазифалари.
3. «Тарбиявий ишлар методикаси» фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.
4. Фойдаланилган адабиёт.

1.Фаннинг предмети ва тузилиши.

Охирги вақтларда мамлакатларимизда ватанга фидокор, мустақил фикрловчи, масалаларни онгли равишда масулят билан ҳал қила оладиган, изланувчан янгиликка интилувчан ва истиқлол ғояларига садоқатни авлодни етказишига қаратилган мухим тадбирлар амалга оширилмоқда. Республика «Маънавият ва маърифат» жамотчилик марказини ташкил этилиши, «Таълим тўғрисидаги қонуни», «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» ҳамда «Бошланғич таълим концепсияси»ни қабул этилиши ва хаётга тадбиқ этилиши ана шундай хайирли ишлардандир. Президентимиз И.А.Каримов айтганидек «...Манавий жихатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш гоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш Давлатимизнинг энг мухим вазифаларидан бири бўлиб қолади». (1-3 бетлар).

Таълим муасасаларида хусусан бошланғич мактабда тарбиявий ишларни йўлга қўйиш ва самарали ишларни қўлга киритиш кўп жихатдан факулртетимизда бўлажак ўқитувчиларни бунақа ишларга маҳсус тайёрлашни тақазо этади. Шунинг учун хозирги замон мағкуравий қарашлар асосида талабаларни тарбиявий, маънавий ва маърифий ишлар асослари билан қуроллантириш негизида бошланғич мактабларида ўқувчиларни бу борадаги тарбия жараёнини ташкил этишига ҳам назарий, ҳам услубий ҳам амалий жихатдан тайёрлашга хизмат қиласиган «Тарбиявий ишлар методикаси» фан киритилган.

Фаннинг предмети - бошланғич мактаб ўқувчилари билан олиб борилаётган тарбиявий ишлар тизими. Ушбу фан 220 соатга мўжалланган бўлиб, 100 соат маруза, 26 соат семинар, 28 соат амалий, 32 соат лаборатория машғулот ва 34 соат мустақил ишларни ўз ичига олади.

«Бошланғич таълим ва тарбиявий ишлар методикаси» йўналиши бўйича ўқув режасига мувофиқ мазкур фанидаги ўқув материаллари қўйдагича бўлинган:

Курс семестр	Фан бўлимлари	Мар	Лаб	Амал	Сем.	Муст	Жами.
3/5	Тарбиявий ишлар методикасининг умумий педагогик ва психологоик асослари	3 2	10	8	8	12	70
3/6	Ахлоқ - одоб тарбияси методикаси	4	4	4	4	2	18
4/7	Маданият ва маърифат тарбияси методикаси	3 4	10	8	8	12	72
4/8	Ҳамкорлик педагогикасини тарбия жараёнида кўллаш методикаси	3 0	8	8	8	8	60
	Жами:	1 0 0	32	26	28	34	220

2.Фаннинг мақсад ва вазифалари.

Фанни ўқитиш мақсади: Бўлажак ўқитувчиларни мустақил давлат Ўзбекистон Республикасиз янги сиёсий,иқтисодий ва ижтимоий хусисиятларини хисобга олган ҳолда кичик мактаб ёшидаги болаларни мувофакиятли тарбиялашга тайёрлаш.

- Фаннинг вазифалари:
- 1)талабаларга тарбиявий ишлар методикасининг педагогик ва психалогик асосларни очиб бориш;
 - 2)Уларга бошланғич мактабда тарбия жараёнида фойдаланиладиган услуг ва восита ишларини ташкил этиш,шакл ва болаларнинг уюшмаларидан энг самаралиларини кўрсатиш.
 - 3)Талабалар ҳамкорлигида алоҳида маънавият ва маърифат тарбияси ахлоқ одоб тарбияси методикаси долзарб муаммоларни кўриб чиқиш.
 - 4)Уларга ҳамкорлик педагогикаси асослари ва уни тарбия жараёнида амалга кўллаш методикасини кўллаш.

Юқорида кўрсатилган мақсад ва вазифаларни ўқитувчилар фақат талабалар билан ҳамкорликда тўлиқ ва мувофақиятли бажариши мумкин.

3 «Тарбиявий ишлар методикаси» фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги.

З-Курсгача етиб келиб, сиз бўлажак ўқитувчилар сифатида анча касбга оид билимларини эгаллагансиз, шунинг учун сиздан тарбиявий ишларни ташкил этишининг назарий асослар бор деб ҳисоблаш мумкин.

Қайси ўтилган фанлар билан «ТИМ» курси боғланган экан?

Биринчидан. «ТИМ» «Педагогика» фани билан боғлиқлиги жуда кучли, чунки «Педагогика» таълим тарбия жараёнинг моҳияти, мақсад ва вазифалари, қонуният ва принциплари асосий услуг ва восита, шакл ва уюшмалари ҳақада тушунча беради. «Тарбия назарияси»нинг бўлими тарбиянинг асосий йўналишлар ва уларнинг усул воситаларини умумий тарзда.

Иккинчидан «ТИМнинг» «Психология» фани алоқаси кучлидир хусусан, «Психология» болаларни тарбиялаш ва ўқитиши ишларида уларнинг ёш ва индивидуал хусисиятларини ҳисобга олиш, болаларни ривожлантириш, уларнинг ўқув ва ижтимоий фаолиятини бошқариш асосларини ўрганади.

Учинчидан «ТИМнинг» «Фалсафа», «Этика», «Эстетика» «Хукук», «Иқтисодиёт», «Диншунослик» каби ижтимоий фанлар билан боғлиқдир, чунки ушбу фанлар ўқитувчи ўзи дунё қарашини кенгайтиради ва бўлажак ўқувчига болаларда дунё қарашни шакллантиришга ёрдам берадилар.

Бундан ташқари «ТИМнинг» яна бир неча фанлари билан боғланиши аниқ, Мисол учун «Табиатшунослик», «Тиббий билимлар», «Мактаб гигиенаси» ва ҳаказо.

Хуроса қилиб айтганда «Тарбиявий ишлар методикаси» кўпгина фанлар билан боғлиқдир. Бу тарбия жараёнининг қирралилиги, муракабалилиги, унинг усул воситасининг хилма хиллиги тасдиқлайди ва булажак ўқитувчи тарбиячиларига юқори талабларни қўяди.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Фаннинг предмети, тарбия, методика, мақсад, вазифалар, фанлараро боғлиқлиги.

2-МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЯНГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ШАРОИТЛАРДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ЙЎЛЛАРИ.

РЕЖА:

1. Ўзбекистон Республикаси янги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий шароитларда тарбияни такомиллаштиришнинг заруряти ва аҳамияти.
2. Тарбиявий ишлар методикасини такосиллаштириш йўллари.
3. Адабиёт.

1. Ўзбекистон Республикаси янги ижтимоий - сиёсий иқтисодий ва маданий шароитларида табияни такомиллаштиришнинг заруряти ва аҳамияти.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов айтганидек: Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислоҳатларимизнинг пиравард мақсади- юртимиизда яшаётган барча фуқоролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатdir. (1-36бет).

Ўн йилдан ошдики Ўзбекистон малакати парламент йўли билан мутақилликка эришди. Мустақиллик мафкураси ва ғояси яратмоқда. «Бу мафкура ва ғоянинг - Сафо Очил айтгандек - узоқ давр тарбия соҳасида ортирган тажрибалар асосидаги таълимотлар негизига кўрилаётган ҳалқнинг чексиз хурматига сазовор бўлиб турибди». (55-бет).

Республика иқтисодий қудратини ошириш ҳалқнинг турмуш тарзини ва фаровонлигини яхшилаш шу билан биргаликда ўз мутақиллигини сақлаш мақсадида Президентмиз И.А.Каримов рахнамолик остида иқтисодий ислоҳатларнинг ҳаммага маълум беш тамоили ишлаб чиқилди ва ҳаётга тадбиқ, этди.

Хукуматимизнинг тинчлик сиёсати - истиқлол мафкурасининг таянч нуқтаси сифатида, ватанпарварлик, хололлик ва фидоийлик давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асосий ва муҳим хусусиятидир.

Мустақиллик - ислоҳат-тарбия булар бир бирлари билан эгизакдирлар.

Мустақил давлатимиз бош ислоҳатчилик рулини ва унинг Республикада амалга оширилаётган ҳақчил демократик ўзгаришлар, ислоҳатларнинг доимий ва изчил ташаббускори эканини тушунтиришда таълим тарбия белгили ўрни ва роли бор албатта,

Лекин, ўзбек оиласарининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда оилада бош ислоҳатчи ота ана экани болалар онгига сингиб боради.

Мустақил мамлакатимизда қонунлар устиворлиги бизнинг таълим тарбия ишларимизга ижобий ва самарали тасир этади.

Авлодларимизнинг таълим тарбия соҳасидаги миллий ананаларини ҳалқ онгида қайта тиклаш ҳамда уларни авайлаб асраб келгуси авлодга етказиш омили ва кафолати бўлиб хизмат қиласи.

Олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат, иқтисодий сиёсатлар устуворлиги учун тинмай меҳнат қилиш, шу ишга муносабат хисса қўшишни талаб қиласди. Ахолини ва ёшларни шу руҳда тарбиялаш шу куннинг асосий вазифаларидан биридир.

Бозор иқтисодиётiga босқичма-босқич ўтиш сиёсати.., Ахолини ва ёш авлодни фаровон мустақил хаётга ўргатишда муҳим рол ўйнайди. Худди шунинг ўзи мустақиллик тарбиясининг асосларидан бирини ташкил этади.

Мустақил Ўзбекистонимизда ислоҳатлар табора кенг қулоч очмоқда. Ҳаётимизнинг барча жавхаларида, жумладан ёш авлод талим тарбиясида ҳам кесгин ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Манавиятимизни қайта тиклаш, янада бойитиш борасида умумхалқ кураши бошланди. Бу вазифаларни бажариш манавият ва марифат марказларга юклатилган.

Республикамизning ижтимоий, иқтисодий камолоти ёш авлоднинг сайи харакатларига боғлиқ эканлиги хеч кимга сир эмас. Ўсиб келаётган ёш авлодлар ва уларнинг келажаги Республикализ келажагини тасаввур қиласа бўлади. Келажак - болаларники ва ёшларники. Уларнинг фаолияти фаровон хаётимиз мезонидир. Худди шу манода болалар - ёшларнинг талим - тарбиясига жиддий этибор бермоғимиз лозим. Ёшлар талим - тарбияси хар бир ота онанинг ўқитувчи тарбиясининг ватан олдидағи муқаддас бурчларидир.

Лекин бу ишларни ўқитувчи бошқара олади чунки ўқитувчи жамиятимизнинг таянч шахсидир, у ота-оналарнинг тарбиядаги тасирини йўналтиради ва уларга илмий педагогик ёрдам беради.

Болаларда ишонч одобини тарбиялаш, унинг ўқишиларида, шахсий хаётида, келгуси иш фаолияти, жамоа орасида қатий харакат қилишининг катта аҳамиятга эга.

Мактаб ўқитувчиларига ўрта маҳсус билим юртларида тингловчиларга, олий ўқув юртларига талабаларга берилаётган назарий билим, маҳаллий мисоллар, далиллар сифатида, янги кўз ўнгига содир бўлаётган воқеа ва ходисалар таҳлили ёрдамида берилса, ўргатилса у тез ва пухта эгалланади. Илгари суринган илмий педагогик ғояларни ёшлар онгига сингдиришда худди шу ҳақидага амал қилиш лозим.

Биринчи синф ўқитувчиларга Призедент совғаси бериш, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртлари талабаларига ғамхўрлик қилиб, уларнинг талабалик нафақаларини тобора ошириб бориш, нафақачилар меҳнат ва уруш ногиронларининг нафақаларининг изчил ошириш ёши 16 га тўлмаган болаларга нафақа бериш ва кабилар давлат хазинасидан чиқади. Бу ўринда бозор иқтисодий муносабатларни янада такомиллаштириш керак. Худди шу нарсаларни таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар онгига сингдириш давлат бойлигини оширишга бўлган ижобий ва онгли муносабатларни таркиб топдиришда, шакллантиришда етакчи аҳамиятга эга бўлади.

Барча тарбиячилар, ўқитувчилар хар бир дарсда ва синфдан ташқари машғулотларда мустақил давлатни бозор иқтисодиётини ва муносабатларга

ўтишнинг дастлабки босқичида кенг қўлламда иш олиб бораётган ва маблағини аямаётганини ўқувчилар онгига сингдириб боришлари лозим. Бу ёш келажакка мустақил келажагимизнинг ёрқин истиқболини ишонч меҳрмұхабbat туйғуларини тарбиялашга муҳим аҳамиятга эгадир. Ватанин севиши, унинг истиқболи ҳақидақайғуриш-имон-этиқод рамзидир эотиборини кучайтириши давлат аҳамиятига молиқ вазифадир. Чунки уларсиз жаҳон бозорида рақобатга дош берилган маҳсулотни тайёрлаш мумкин эмас.

Ўзбек халқи асрлар мобайнида авайлаб сақланиб сайкал топиб келган ўз миллий урф-одатлари, расм-руслар, удум ва аноаналари, ғурури, ижтимоий иқтисодий турмуш тарзи, хуқуқий онги, этиқоди бир сўз билан айтганда маданий-маънавий дунёси билан ажралиб таради. Бу аждодларимиз умумбашарият марифат парварлигини яратишда бевосита иштирок этганлар, улар жаҳон цивилизациясига улкан хисса қўшганлар.

Мақсад дегани-халқни миллатни бирлаштирувчи бир байроқ бутун Ўзбекистон халқнинг рухининг, ғурур ифтихорини, керак бўлса, кудратини, орзу интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Маълумки аниқ, ҳаммани жипислаштирувчи, бошини бошга қўйувчи ягона мақсад бўлмаса, эл-юрт тарқаб сочилиб кетади.

Президентимиз И.А.Каримов айтганидек.

«Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл юрт мақсади-ўзининг улуғворлиги, хаётийлиги ва хаққонийлиги ҳаммамиз жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи халқни-халқ миллатни-миллат қила билсин, қўлимизда буюк бир қарорга айлансан».

1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисидаги Конун», Кадрлар тайёрлаш миллий дастури хар томонлама камол топган, жамиятга, турмушга мослаштириш ижтимоий-сиёсий, хуқуқли, педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни жамиятни, жамият, давлатни ва оила олдида ўз жавобгарлигини хис этадиган фуқороларни тарбиялашни назарда тутадилар.

2. Тарбия ишларини такомиллаштириш йўллари.

Ўзбекистон Республикаси ўқитувчиларининг биринчи конференцияси ёш авлодни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш мақсадида қўйидаги вазифаларни аниқлаб беради:

- 1- бошланғич таълим мазмунига миллий истиқлол ғоясини сингдириш ва барча ўқув предметлар («Одабнома», «Она тили», «Ўқиши», «Меҳнат», «Тасвирий санъат», «Мусиқа маданияти», «Жисмоний тарбия», ва бошқалар) орқали болаларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш.
- 2- ўқувчилар ва ёшларни бирлаштириш, ватан парвар қилиб тарбиялаш учун «ватан келажаги» клублари фаолиятини йўлга қўйиш;
- 3- ўқувчиларда юксак маънавиятни шакллантириш, улар ўртасида диний экстремизм, хуқуқ бузарлик, жиноятчилик ва гиёхвандликнинг олдини олишга қаратилган ишларни ташкил этиш;

- 4- ўқувчиларни маънавий баркамол инсон қилиб тарбиялашга кўмаклашувчи болалар ташкилотларини тузиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;
- 5- ўқувчи ва ёшлар орасида «Зукколар» ва «билимдонлар беллашувини ўтказиш», каби клублар ташкил этиш, музейлар, тарихий қадамжойлар ва меоморий обидаларга саёхатлар уюштириш, тақвимида белгиланган байрам кунларини нишонлаш (изоҳ: ўқувчиларнинг мамлакатимиздаги тарихий ва маданий ёдгорликлар музейларга бепул кириш масаласи кўтарилид);
- 6- Мактаб кутубхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш, китобхон коференциялари, бахс-мунозаралар, ижод ахли билан ўтказиладиган учрашувлар самарадорлиги ҳамда таъсирчанлигини ошириш;
- 7-маҳаллий шароит хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда болаларнинг қизиқишлигига қараб замонавий ва дунёвий билимларни берувчи тўгараклар тармоқларини кенгайтириш...

Кўриниб турибдики, ўқувчилар тарбиясини ташкиллаштириш вазифалари мураккаб ва кенг бўлиб, ўқувчилар зиммасига янги методик вазифалар юклатилади. Жумладан: Таълим мазмунини янгилаш ва унинг тарбиявий таъсирини кучайтириш учун тарбия жараёнига янги педагогологияларни кўллаш, мактабдан ташқари муассаси ходимлари билан ҳамкорлик ишларини кенгайтириш ўқувчилар жамоатдаги уюшмаларни тиклаш ва уларга педагогик раҳбарлик қилиш. Мазкур вазифаларни мувофақиятли бажариш масалалари биз кейинги кўриб чиқамиз.

Таянч иборалар.

Мамлакатимизда янги ижобий-сиёсий иқтисодий, маънавий маданий шароитларни тарбия соҳасидаги янги вазифалар, методик масалалар.

З МАВЗУ: ТАРБИЯ ТИЗИМИ, УНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА МЕТОДИК АСОСЛАРИ

РЕЖА:

1. Тарбия педагогик тизим сифатида, унинг методологик асослари.
2. Бошланғич мактаб ўқувчилар тарбияси асосий йўналишлари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва хусусиятлари.
3. Тарбиянинг методик асослари.
4. Адабиётлар.

1. Тарбия педагогик тизим сифатида, унинг илмий назарий асослари.

Ҳаммага маълумки, тарбиянинг икки тури бор: оилавий тарбия ва ижтимоий тарбия. Инсонни тарбияси оиладан бошланади. Агар ота-она бўлмаса ёки улар ўз вазифаларини яхши бажармаса болалар тарбиясининг

давлат ўз зиммасига олади. Ўзбекистон Республикаси Конститциясида (XIVб, 64 модда) ва таълим тўғрисидаги Қонун (18 модда) ота-оналарнинг тарбиявий бурчлари алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Оилада яхши тарбия олган бола мактаб ёшига етганидан сўнг мактабда таълим олибгина келмай инсон бўлиб этиши муҳим рол ўйнайди, чунки таълим ўқувчиларни билимлари билан қуроллантириб, улар дунёқарашини, ахлоқ ва этиқод, кўнишка ва малакаларини таркиб топишига катта ёрдам беради. Тарбия эса инсонни шахсини, унинг ахлоқ-одобини, нафосат динини меҳнатга ва ижтимоий муҳитга, Ватан - давлатимизга, миллий урф одатларга тўғри муносабат, эркин фикрлашни шакллантиришида муҳим рол ўйнайди.

Тарбия аниқ мақсадни кўзланган ҳолда, режалаштирган ҳамда ташкил этилган жараёндир. Унинг натижаларини самарали бўлиши учун педагог қуидаги жараёнларни ҳисобга олиши шарт.


Тарбия икки томонлама жараёндир, унда бир томондан тарбиячи (ўқитувчи ота-она)лар бошқа томонидан тарбияланувчи-обоект қатнашадилар.

Замонавий ижтимоий муҳит юқоридаги ҳамкорлик педагогикасининг қоидани амалда қўллашни талаб қиласди ва тарбияланувчи ўз тарбиясига фаоллик билан ёрдам беришга чиқарилади.

Ҳаммага маълумки, тарбия-педагогик жараёндир. Бу нуқтаи назардан биз тарбия жараёнига педагогик тизим сифатида қарашимиз керак.

Тарбия тизимининг топшириш компонентлари:

1-схема



Бу тизимнинг ҳар қайси элементларини биз қисқа қилиб такрорлаймиз.

Тарбиянинг умумий мақсад ҳар томонлама, етук инсонни камол топшириш бу жамиятимизнинг мактабга, ота - оналарга, барча тарбиячиларга берилган ижтимоий буюртма. Бу умумий мақсадга асосланиб, бошланғич синф ўқитувчиси ўзини маҳсус мақсадини аниқлаш керак: болаларни ўқитишга, санашга, ёзишга, тўғри гапиришга мантиқ асосида ўйнашга ўргатиш, уларга соғлом турмуш одатларини, ахлоқ-одоб тажрибасини, миллий мағкура асосларини ва зарурий шахсий фазилатларини шакллантириш.

Мақсадга мувофиқ ташкилланиладиган ишлар жараёнида бир неча вазифаларни ечиш керак.

Вазифалар бу аниқ мақсадга қаратилган ишларнинг асосий ўйналишлари. Бошланғич мактабнинг асосий тарбиявий вазифалари

қүйидагилар: жисмоний, ахлоқий, нафосат, меңнат ва маънавий маданий тарбияси.

Бу вазифаларни биз кейинроқ алохида куриб чиқамиз.

Принциплар-тарбиявий ишларни ташкил этиш қоидалари. Тарбия қоидалари ўқитувчи-тарбиясига, йўл-йўриқ қўрсатувчи бўлиб, шарқ ва марказий осиё файласуфдонишмандларнинг фикрлари ва миллий педагогика эришган юрикларга асосланади. Тарбиявий жараёнда бошланғич синф ўқувчиси қўйидаги қоидаларга риоя қилиш зарур.

-тарбияни маълум ижтимоий фойдани мақсадига қаратилганлиги;
-тарбиянинг инсонпарварлик ва демократик қоидаси;
-тарбияни хаёт билан, меңнат билан боғлиқлиги;
-тарбияда миллий маданий ва умум инсоний қадирятларнинг устуворлиги;

-тарбияланувчиларнинг ёш ва шахсий хусусиятлари ҳамда уларнинг хаёт тажрибасини ҳисобга олиш;

-изчиллик, тизимлилик, тарбиявий таъсирларнинг бирлиги ва узлуксизлиги қоидаси.

Бу қоидаларга риоя қилиш тарбиянинг самарасини оширади, яхши натижаларга олиб келади. Унда бир неча шарт шароитлар ҳам касб этади.

1. Ўқитувчи, тарбиячи сифатида юксак малакали мутахасис бўлиши керак, шунингдек у доим ўз устида ишлаши лозим.

2. Ўқитувчи ҳамкаслар, психолог, махалла жамоатчилик билан ҳамкорликда ишлаш зарур, чунки уларнинг мақсади бир хил: Комил инсонни таркиб топиши. Лекин ўқитувчи ўз шерикларини тўғри йўналтириши керак, уларга нисбатан хақиқий лидер бўлиши шарт.

3. Бошланғич синф ўқувчилар жамоасини шакллантириб, ўқитувчи унинг фаол аозоларини ўзини шериклар қилиб, улар орқали қолган ўқувчиларга таъсир этиши зарур.

Мана бу биринчи блокдаги 4 та компонетлар тарбия жараёнининг назарий-методологик асос бўлиб ҳисобланади.

Лекин мақсад ва вазифаларни маълум қоидаларга мувофиқ бор шароитларни ҳисобга олган холда амалда қўллаш учун биз 2-чи блокдаги яна 4 та компонентлардан фойдаланишимиз лозим (3 масала).

Аммо 2 та блоклар ўртасида тарбиянинг мазмуни бор.

Тарбиянинг мазмунини ўқитувчи ўзи аниқлаб боради, чунки у ўз ўқувчиларини бошқаларга нисбатан яхшироқ билади.

2. Бошланғич мактаб ўқувчилар тарбиясининг асосий йўналишлари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва хусусиятлари.

Тарбия қўп қиррали жараёндир. Энг биринчи ўринда болаларнинг соғломлиги туради. Президентимиз И.А.Каримов «Биз соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишимиз керакдир» - деб бежиз айтмаганлар. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона ақл одоб ва унинг шарқий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз. Халқимизда

асрлар ошиб келган ва сингиб кетган урф одатлар, ананавий қадрятлар, мустақиллик мафкураси миллий истиқлол ғояси асосида болаларни ва ёшларни вояга етказиш бугунги кун талабидир.

Эстетик тарбия навбатдаги ижтимоий хаётдаги кишиларнинг хатти харакатидаги, турмушдаги ва санатдаги гўзалликларини идрок этиш ҳамда гўзалликни яратишга бўлган қобиляти эстетик тарбияланишга имкон беради.

Мафкура, иқтисод. Сиёсат, маънавият, эстетик дид умуман жамиятнинг ҳамма кирраларига тегишли бўлган ғоялар тизимидан иборат бўлиб, сиёсат билан иқтисодни, иқтисод билан маънавиятни бир-бирига чамбарчас боғлаб қайси йўлдан олға бориш кераклигини кўрсатиб беради. Мафкура аввало ва биринчи навбатта ғоявий куч бўлганини учун у одамларни онг тушунчаси ва рухиятига тасир қилиб уларни уюштириш, маълум мақсад сари олға етаклаши керак.

Истиқлол мафкурасини туб моҳиятини чин инсонпарварлик мазмунини эса умумбашарият, маънавиятлари ва қадрятларининг устуворлиги ташкил этилади. Уларнинг ҳаммаси бир бири билан узвий боғлиқ. Буларни кўлламасдан етук инсон бўлиши қийин. Масалан жисмоний тарбиянинг ҳамма томонлари билан боғланган бўлиб, шахсий ахлоқий ва ақлий ривожланишига эстетик дид ва этиқодини тарбияланишига ижобий тасир этади.

Маънавий - маърифий тарбия анча кенг қамровга эга, унинг таркибида шарқона урф одат, анана, қадрят меросларимиз асосида тарбиялаш ва янги тафаккур ташкил этади. Яқинда мустақиллигимизнинг 10 йиллигини байрам қилиб нишонладик. Халқимиз мустақил ва озод бўлгандан буён қандай ўзгаришлар бўлди? Тарихимизни соф ҳолда бухтонларсиз ўрганишимиз тарихда яшаб ўтган халқимизнинг буюк алломаларининг бой меросларини ўрганиш бу катта ютуқ бўлди.

Ҳар бир халқ вужудга келиб шаклланар экан, унинг тили, дини, урф-одатлари ривожланиб боради. Ҳар бир халқнинг миллий ғурури бўлади. Гурур сўзи инсониятга хос бўлган хусусият. Ўзбек халқининг миллий ғуруи қадимий ва абадийдир.

Ватан бу уйимиздан бошланиб, чексиз Ўзбекистон бўйлаб давом этади. Ватан ичida халқ ва шу халқни дини, тили ва урф одатлари, еру осмонлари, таббий бойликлари ва хакозолар хар бир инсон ўз ватанини севиши ва ардоқлаши лозим. Шунинг учун ўқувчиларни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашимиз керак.

Ахлоқ кишиларнинг ижтимоий фелр атвори йиғиндисидир. Ахлоқ кишиларнинг тушунчаларидан, гояларидан келиб чикарилган. Ахлоқий тарбия деганда ўқувчиларда ахлоқий тушунчаларни ва этиқодини таркиб топтириш, характерининг иродали хислатларини бартараф этиш мақсадида уларга тизимли тасир кўрсатиш тушунилади. Ахлоқий тарбия шахснинг ҳар томонлама камол топтиришининг муҳим компанентларидан биридир.

Кишиларнинг хаёти ва камол топиши учун зарур бўлган ҳамма нарса меҳнат билан бартараф қилинади. Меҳнат тарбияси ёш авлодни меҳнат фаолиятига ахлоқий ва амалий жихатдан тайёрлашнинг хилма хил

томонларини ўз ичига олади. Мехнат тарбияси бола улғайган сари мураккаблашиб боради. Кичик ёшдаги ғолаларга меҳнатсеварлик ва эҳтиёткорликни тарбиялаш зарур. Шунинг учун ҳам болалар ёшлигидан меҳнат малакаларини эгаллашларини, ишни тиришқоқлик ғилан бажариш кераклиги, бошлаган ишларини охирига етказишларини, ўрганишлари лозим.

Юқорида айтганини хисобга олган боланғич синф ўқувчиси ҳар дарсда, ҳар тадбирда ўзини тарбиявий фаолиятини аниқлаб боради. У синф раҳбари сифатида қўйидаги ишларни бажариши шарт:

1. Ўз синф болаларини умумий ўрганиш;
2. Синф ўқувчилари жамоасини тузиш ва жамоа орқали болаларни тарбиялаш;
3. Ўқувчилар жамоат ташкилотларга амалий педагогик ёрдам бериш, фаолиятни ажратиш ва ўрганиш;
4. Тарбияси оғир болаларни чуқур ўрганиш ва улар билан алохидатарбия олиб бориш;
5. Синфда иқтидорли болаларни аниқлаш ва улар билан маҳсус ишларни уюштириш;
6. Ўқувчилар ота-оналари ва кенг жамоатчилик (маҳалла қўмитаси) ҳамкорлигига ишларни ташкил этиш ва хоказолар;

Синф раҳбари ишининг мазмуни томони тарбиянинг умумий вазифлари билан белгиланади. У жамоатчилик ташкилотлари ҳамкорлигига тарбияланувчилар илмий дунёқараши, фаол хаётий нуқтаи назарни шакллантиради; Ўқувчиларга билимга, меҳнатга хавас уйғотади, уларни онги равишда ўз тардириши ўзи белгилашга ўргатади; Ўқувчиларда ўқишига маъсулят билан ёндошиш ва мустақил ўқиши қобилятини тарбиялади; Болаларнинг эстетик қизиқишлари ва бадий дидини ўстиради.

Шундай қилиб, синф раҳбари ҳам ўқувчилар жамоат ташкилотларни тарбиявий фаолиятини уюштирувчи, ҳам зқувчиларнинг мураббийси сифатида хизмат қиласи.

Синф раҳбарининг ташкилий-педагогик иши ўқувчиларни ўрганиб бориш, ўқувчилар жамоасини уюштириш ва шакллантириш, болаларни истиқлол ғояси рухида тарбиялаш бўйича тадбирлар ўтказиш ва х.к.

3. Тарбиянинг методик асослари.

Педагогика фани бўйича дарсларда услуб, восита ишларни ташкил этиш шакллари ва болаларни уюшмаларини ўрганиб олдингиз.

Уларнинг йиғиндиси тарбия жараёнининг услубий методик асоси бўлиб хисобланади. (2-жадвалга қаранг.)

«Метод» сўзи юонончадан олинган бўлиб, ишнинг йўли, усули маносини билдиради.

Усулнинг бир неча турлари бор, биз уларни кейинги дарсларда чуқурроқ ўрганиб борамиз.

Усулнинг элементлари услуг деб номланади. Усул ва услуг бир бири билан ўзаро боғланган ҳолда тарбия жараён мөхиятига кўра бир бирига ўтиб туриши мумкин.

Ўқувчиларнинг жамоа ва шахсий фаолиятларини мақсадга мувофиқ ташкил қилиш учун тарбия шаклларидан фойдаланамиз: Синф мажлиси, эрталабки байрам, учрашувлар кўрик танловлар, саёхатлар ва бошқалар.

Тарбия воситаларсиз бирор битта тарбиявий тардбир ўтмайди, чунки ҳар қайси тарбиявий масалани хал қилишни ташкил этиш учун биз кўрсатмали қўлланма, мусиқа, китоб, радио, телевидение, кино фильмлар, саонат асарлари, табиат ўзидан фойдаланамиз.

Ўқитувчининг шахси, унинг болаларга таъсири ҳар тарбиявий восита бўлиб хисобланади.

Тарбия жараёнида ўқитувчи факат синф жамоасидан эмас, бошқа ўюшмалардан ҳам фойдаланиш лозим бўлади, масалан: тугурак, клуб, спорт секцияси, илмий ва касбга йўналтирилган ўюшмалар: ёш мичуринчилар ёш тадқиқотчилар, ёш тадбиркорлар, ёш шоирлар ва х.к.

Сизга маълумки ҳар қайси ўқитувчи ўзига хос тарбиявий мақсад, вазифаларга мослаштирилган усул ва восита танлаб олади.

Қайси услубдан, қайси вақтда ва қай тарзда фойдаланиш ҳақида кейинги дарсларда тўлиқ гапириб ўтамиш.

Таянч иборалар.

Тарбия тизим сифатида мақсад, вазифа, принциплар, услуб, восита, шакл, ўюрма, тарбиянинг мазмуни.

4 МАВЗУ: КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ.

РЕЖА:

1. Болаларни ўрганишнинг аҳамияти.
2. Бошланғич синф ўқувчиларни ўрганиш турлари ва усуллари.
3. Бошланғич синф ўқувчиларни Баъзи ўрганиш методикалари.
4. Тарбия жараёнида диагностика ва коррекция ишлари.

1.Болаларнинг ўрганишнинг аҳамияти.

Тарбиявий жараёнини янгилаш, уни давр талабига жавоб берадиган ҳолга келтириш учун деярли барча коидаларни, усуларни, ғояларни қайтадан қўриб чиқишимиз, бола шахсига қаратишимиз, йиллар давомида тўпланиб ижобий тажрибадан унумли фойдаланишимиз зарур.

Тарбия жараёнида тарбияланувчининг шахсий ва ёш хусусиятларни хисобга олиш - тарбиянинг мухим қоидасидир. Шунингдек ўқитувчи - синф раҳбари ўз фаолиятини режалаштиришда ўқувчиларни ўрганиш вазифасига алоҳида эотибор беради.

Ўқувчиларнинг ўрганиш ўқувчи шахснинг психологик ўзига хос хусусиятларни билишни, шунингдек педагогик тадқиқот принциплари ва усулларини эгаллашни талаб этади.

Синф раҳбари ўқувчиларнинг ақл идроки, характеристи, соғлиги ва бошқа ўзига хос хусусиятлари тўғрисида обектив маълумотга эга бўлиши учун куйидаги асосий талабларни бажариш зарур:

1-Ўқувчини тиббий шароитда, унинг турмуш тарзи, шароити билан биргаликда ўрганади;

2-Индивиудувал ва ёш ўзгаришини доимий хисобга олади;

3-Ўқувчини унинг ҳамма намаён бўлган томонлар билан бир бутун ҳолда ўрганади, тарбиялайди-тарбиялаб бориб ўргаади.

Мактаб ўқувчиларни ўрганиш жараёнида синф раҳбарига психологик иккита йўналиш бўйича маълумот бериши мумкин:

1). Шахснинг умумий хусусиятлари, шахснинг йўналиши, характеристи ва ахлоқий сифатлари, қобиляти; 2). Айрим руҳий жараёнларнинг ўзига хослиги қабул қилиш, дикқат, ва хаёли...

Ўқувчиларни ўрганиш бирдан бир мақсад эмас. У синф раҳбарига ўқувчининг ривожланишини олдиндан кўра билиш, унинг ўқишида қийинчиликларини кўра билиш ва огохлантириш, унинг ривожланиши учун энг қулай шароитни яратиб бериш имкониятини ўқитувчилар ва ота оналар билишлари лозим.

2. Бошланғич синф ўқувчиларининг ўрганиш турлари ва усуллари.

Хозирги вақтларда кўпгина мактабларда, асосан янги типдаги муасасаларда психолог штати киритилган. Лекин бир киши барча ўкувчи тўғрисида кўп маълумотларни йиға олмайди, чунки бу иш жуда мураккаб ва кўп вақтни олади.

Шунингдек ҳар қайси ўқитувчи ўз ўқувчиларни ўрганиш мақсадида энг оддий усулларни эгаллаш керак, чунки айтганидек, у яхши педагог бўлмоқчи бўлса, яхши психолог бўлиши ҳам шарт.

Ўкувчиларни ўрганиш турли хил бўлиши мумкин, бу максадга мувофиқдир:

1.Умумий ўрганиш мақсадида ўқитувчи ўз синф болалар ҳақида демографик маълумот йиғади. Унда энг осон йўли синф журнали ва бошқа хужжатларни шахсий папкасини ўрганиш.

2.Соғлигини ўрганиш мақсадида ўқитувчи унинг медитцина карточкани ўрганади, яшаш жойга боғланган медитцина ходимлари билан суҳбатлашади олган маълумотларини синф журналида белгалаб қўйади. Бунда ота-оналарнинг соғлиги ҳақида маълумот ҳам зарур.

3. Ўқувчи шахсини ўрганиш мақсадида ўқитувчи энг аввало А) унинг хайти ва оиласи шароити билан танишиши керак (оиланинг таркиби, моддий тамилланганлиги, оилавий ананалари, мухит, оиласидаги муносабатлари, ўқиш учун шароитлар ва х.к.). Б) Ўқувчи ўзи шахснинг хусусиятлари ҳақида шахснинг йўналиши ахлоқий сифатлари, характеристи,

мижози ва қизиқишилари бу каби маълумотларни анкета, мухсус тест орқали олиш мумкин (психолог ёрдамида). В) Ўқувчи руҳий жараёнларнинг ўзига хослиги: диққат ва хотира, хаёл ва тафаккур, ирова ва сезгир бу маълумотларни кузатиб бориш ва махсус психологик тестлар орқали олиш мумкин.

4. Ўқувчининг интилишни, қобилятни чуқур ўрганиш мақсадида битта эмас, бир неча методикалардан фойдаланиш шарт, чунки бу жуда мураккаб муаммо, уни ечиш учун психолик зарур.

5. Шахснинг жамоадаги ўрнини ўрганишда ҳам кузатиш усулидан ҳам социаметридан фойдаланиш зарур, чунки фақат жамоада ҳар қайси бола ўз шахсий сифатларини кузатиш ва ривожлантириши мумкин.

6. Ўқувчиларнинг фаолигини ўрганиш мақсадида ўқитувчи уларга топшириқ бериб ёки умумий ишларда қатнашиши кузатиб боради.

3. Бошланғич синф ўқувчиларни ўрганиш методикалари.

Буюк педагог В.А.Сухомлинский айтганидек: «Аниқ ҳаётиниң тақдирларни мухокама қилиш бизни педагогик алоқаларнинг уйғунлиги муаммосига олиб келади. Менинг назаримда, бу тарбиянинг туб асосий қонунятларидан биридир. Тарбиявий алоқалар ўртасида ўнларча юзларча, мингларча боғлиқлик ва шартлар бор».

Бошланғич синф болаларини ўрганиш мақсадида биз қуйидаги усууллардан фойдаланишга тавсия берамиз.

Биринчи усул «Ўз синфигизни биласизми?» атаган анкетаси. Бу анкета республикаси истедод марказида социометрия асосида ишлаб чиқилган. У 3-5 саволдан иборатбулиши мумкин, бу-синфга ва максадга боғлик. Анкета саволларигажавоб берувчилар ҳар жавобда 3 синфдошларини ёзишлари мумкин. Масалан: анкетанинг синфда энг яхши ташкилотчиси, кўпчиликнинг диккатини ўзига қаратса оладиган, ўқитувчи йўқлигига синфни бошқара оладиган? Саволга болалар 3 кишини ёзишади.

Синф аозоларидан кимни энг кўпи танланган бўлса, у энг яхши ташкилотчи бўлиб хисобланар экан. Худди шундай коидасида кейиги саволлар ҳам асосланган: синфда ким ростгўй, хушмуилалик, жавобгарлик..? ва хакозолар.

Саволларга бериш учун болалар бир бирини яхши билиши керак, демак бу анкетани 1 синфда факат иккинчи ярмида ўтказиш мумкин, кейинги синфларда эса хохлаган вақтда.

Иккинчи усули махсус педагогик вазиятни тузиш. Уни профессор Н.Иванов ишлаб чиқди. Унинг мақсади - шу вазиятда бола қандай ўзининг тутганини ўрганиш, тахлил қилиш ва шу боланинг шахсий сифатлари ҳақида хулоса чиқариш.

Учинчи усул С.Т.Шацкий анкетаси. Бу анкета XX аср 30чи йилларда ишлаб чиқилган лекин хозирги вақтларда жуда долзарб. Анкета саволлари ота-оналарга мурожат қиласи. Уни номи «Ўз фарзандингизни яхши биласизми?» Анкета бир неча бўлимдан иборат, унинг саволларига берган

жавоблари нафақат демографик маълумот, боланинг ўқишига, меҳнатга қобилятлари ва эхтиёжлари ҳақидабилимларга эга бўлиши мумкин.

Тўртинчи усул болаларниң турли хил меҳнат фаолиятини қузатиб бориш ва натижаларини ўрганиш. масалан битта бола расмга қизиқади, шунинг учун расм дарсларида ижод билан топшириқларни бажаради, иккиняиси эса бадий китобларни ўқишини яхши кўради-у кўпроқ шер ёдлаб олади, ижобий ишларида фаол қатнашади ва х.к. Шу мақсадда тез тез кўрсатма. Кўрик танловларни ташкил этиш керак ва шу ишларга отаоналарни жалб қилиш зарур, болаларни эса рағбарлантиришга имконият топиш лозим.

Юқорида айтганини хисобга олиб қуйидагича хулоса чиқариш мумкин: Бошланғия синф ўқувчиси ўқув тарбиявий ишларни яхшилаш, унинг самарадорлигини ошириш мақсадида битта иккита эмас, бир неча усуllibардан фойдаланиб, ўз синф болаларини хар томонлама ўрганиш зарур чунки хар қайси бола билан тил топиш, тўғри муомила қилиш учун, уни хар томонлама ва яқин билиши керак. Бундан ташқари ўқитувчи психолог ёрдамида тўғри диагностикани ўтказиб ва олган натижаларни тахлил қилиб амалда қўланишига лозим топади.

4. Тарбия жараёнида диагностика ва корреция ишлари.

Тарбия жараёнида болаларни ўрганиши ўз ўзидан мақсад эмас. Ўрганиш натижаларига асоланиб ўқитувчи аниқроқ диагностика қилиш мумкин.

Диагностика-бу ўқувчининг шахсий сифатларини шаклланиш даражасини аниқлаш. Ўқитувчи қанчалик чукур болаларни диагностика қиласа шунчалик у ўз фаолиятида яхши натижа олади.

Ўқитувчи кузатув, анкета ёки психологик тест орқали болаларниң ўқишига муносабати унинг темпераментини, қизиқишлигини, тарбияланувчанлигини ва бошқа шахсий хусусиятларини диагностика қилиш мумкин ва олган натижаларга асосланиб, айрим болаларниң хулқ авторини, ўқиш мотиувларини, бирон нарсага муносабатини коррекция қилиш мумкин.

Корреция сўзи - ўзгартириш тўғрилаш маъносини билдиради. Диагностика ва коррекция-иккита бир - бири билан ўзаро боғланган жараёнлар масалан: бир неча усуllibан фойдаланиб, ўқитувчи ўз синфдаги болаларни тарбияланганлик даражасини аниқлаб олади. Бунда у қуйидаги нозимларни хисобга олишга мажбур бўлади: 1. ватанпарварлик ва бойналминаллик; 2. жамоатчилик; 3. одамгарчилик; 4. жамият учун халол меҳнат. 5. интизомлик ва ташкилотчилик, уюшқоқлик; 6. принциплилик ва тришқоқлик; 7. ишбилармонлик, маъсулятлилик ва бошқалар. Агар диагностика натижалари болаларниң ривожланишидаги нуқсонларини кўрсатса, шу болалар билан маҳсус коррекция ишларини ўтказиш зарур бўлади. Лекин ўқитувчи диагностика ва коррекция ишларни ўтказишида мактаб психологи ва бошқа ўқитувчилар билан ҳамкорликда ишлаш зарур.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Болаларни ўрганиш турлари, ўрганиш усуллари, шахсий хусусиятлари ва тарбия, анкета, сухбат, тест, вазият, диагностика ва коррекция.

5 МАВЗУ: БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАР ЖАМОАСИ БИЛАН ИШЛАШ МЕТОДИКАСИ ВА ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ ПЕДАГОГИКА РАХБАРЛИК ҚИЛИШ АСОСЛАРИ.

РЕЖА:

1. Тарбияда жамоанинг роли.
2. Ўқувчилар жамоасининг ривожланиш босқичлари ва белгилари.
3. Бошлағич синф болаларини жамоа орқали тарбиялаш методикаси.
4. Мактабда жамоат ташкилотлари ва ўз-ўзини бошқариш органлари, уларни педагогик раҳбарлик қилиш асослари.

1. Тарбияда жамоанинг роли.

Тарбияга яхлит тизимли ёндашиш тарбиянинг, педагогик харакатининг пировард натижасига йўналтириганлик даражасини белгилаб беради. Бунда педагогик мақсад ва вазифалар, унинг мазмунини тарбиявий жараёнининг барча қатнашчилари томонидан тан олиши шарт.

Тарбия узоқ муддатли, мураккаб жараён бўлиб, унд ота-она, ўқитувчи, жамоачилик ва бошқалар қатнашдилар. Шу сабабли уларнинг ишида изчиллик ва давомийлик бўлишига риоя этиш, ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини; тарбия усуллари ва шаклларини ўз вақтида аниқлаб олиш жуда мухимдир. Бу қоида тарбия ишида тарбияни амалга оширадиган барча буғинларнинг (оила ва мактаб, ўқувчилар ва уларнинг жамоа ташкилотларни, мактабдан ташқари тарбия муассасалари ва кенг жамоачиликнинг) ҳамжиҳат ва бамаслаҳат иш қўришининг кўзда тутади. Чунки тарбиядаги таъсирдаги тузимлик, фақат ёшларни эмас, балки ахолининг бара қатламиининг қамраб олиши керак.

6-7 ёшдаги боланинг мактабга келиши билан унинг хаётида янги босқич бошланади, чунки у учун, хусусан, атрофда ҳамма нарса янги, бу жумладан: янги одамлар, янги режим, кун тартиби, янги бурчлари. Лекин бола бир ўзи эмас, бошқа ўқувчилари билан биргалиқда-ҳам ўқишда, ҳам ўйинларда, ҳам меҳнатда қатнашмоқда сабабли у мактаб шароитларга тезлик билан мослашади. Демак, нафақат катталар хаётида, болалар хаётида ҳам жамоа ўз ўрнини тұтади.

Жамоа ҳақида куп ёзилган ва куп гапирилган. Жамоа ичиде шахсни тарбиялаш педагогикаси аллақачон тарбия тизимини мухим бўғинига айланган.

Мактаб ҳамиша жамоадир дегувчилар хақдир. Аммо мактаб жамоасини уюшқоқлик даражаси купроқ ёки қарок бўлиши, у яхшироқ ёки

ёмонроқ бўлиши, камолот даражасини турлича булиши мумкин. Мактаб жамоаси турли тоифадаги жамоалар ва бирлашмаларининг мураккаб мажмуини ташкил этади. Болалар ижтимоий спорт сексиялари, меҳнат бригадаси ва сайёхлар уюшмаси-болаларни шу каби биролашмалари ягона ва умумий мактаб жамоаси доираси яшайди ва ривожланади. Бошлиғич мактаб ўқитувчиси ўқувчилар жамоасини раҳбар булиб, ўз олдига йириқ, ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли вазифаларни қўйиб, уларни амалга оширади. У ҳар бир синф ўқувчиси фаолияти учун шахсиятини очиш, ўзини кўрсатиш ва қарор топтириш кенг имкониятлар яратиб беради.

Маълумки ўқувчи шахсияти жамият билан, ижтимоий муҳит билан алоқада бўлмаса, яхши ривожлана олмайди. Жамоа болага ажойиб имкониятларни тақдим этади. Яхши мактаб жамоасини қадриятлари, аноаналари, муносабатлар удуми синф учун ибрат сифатида ҳизмат қилиб, уларни ривожланиши рағбатлантиради.


А. Макаренко «Жамоада тарбиялаш болаларни бир колибга солиш деган гап эмас»-деб қайта-қайта ўқтирилган. Унинг фикрича жамоада тарбиялашни маъноси: бола шахсини камол топтиришдан иборат. Агар жамоада тулконли, ғоявий, мазмунли хаёт, меҳнат ва олий жаноб маънавий муносабатлар йуқ экан, у холда ўзига баҳо бериш ва ўз-ўзини тарбиялашга каратлиган шахсий маънавий фаолитни бўлиш мумкин эмас.

Замонавий мактабимизнинг оммавийлигини хисобга олган холда юқорида чиқарилган хуоса шартсиз долзарбdir.

2. Ўқувчилар жамоасининг ривожланиш босқичлари ва белгилари.

Жамоа тўғрисидаги бир неча таърифлар мавжуд қолсин (А.С. Макаренко, В.А. Сухомлинский, С.Мудрик ва б), жамоанинг шакилланиши ва ривожланиш босқичлари ҳақида ҳам турли муло-хазалар бор.

Профессор Л.И.Новинкова педагогик тадқиқотлар натижаларига асосланиб, у болалар жамоасини шаклланиш ва ривожланиш жараенини 4-та асосий босқичларга бўлади.



1.Босқичда ўқувчиларга ўқув юртида аниқ кун тартибини ўрнатиш, уларнинг биргаликда фаолиятини ташкил этиш вазифаси муҳимдир. Ана шу босқичнинг ўзидаёқ ўқув гурӯхларининг манфаатларини, педагогик ва

жамоанинг талабаларини қабул қилувчи ўқувчилар ажралиб чиқадики, улар кейинчалик жамоанинг ядросини ташкил этадилар.

2. Босқичда фаол энди педагогнинг талабларини қуллабкина колмайди, балки бошқа ўқувчилар ўзининг кетидан эргашиб боради. Бу босқичнинг мохияти: ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришга ва ўқувчиларга педагогнинг бевосита раҳбарлик қилишга, жамоа аозоларининг ўз хатти-харакатлари ва ишлари учун ўртоқлари жавобгарликни оширишга утишдан иборат.

3. Босқичда ҳамма ўқувчилар учун ягона мақсадига эришишга қаратилган ижтимоий фойдали меҳнатдан фаол иштирок, эта бориб, бутун жамоа манфаати билан яшай бошлайдилар, жамоада бирга хаёт кечириш малакалар, кўнималари эгаллаб борадилар. Бу босқич жамоа фаолиятидаги энг муҳим давридир;

4. Босқичда жамоа ва педагог томонидан юқори талаблар қўйилиши туфайли ўқувчи ўзига нисбатан ижтимоий ахлоқ талабларини қуя бошлайди, жамоа хаёти ва фаолиятининг нормалари ҳар бир боланинг шахсий ихтиёжига айланади.

Ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятлари бор, чунки синф ўқувчилар жамоанинг шакилланиши ва ривожланиши-мураккаб, ўзоқ вақтида давом эттирилаётган ва ўқитувчидан кўп харакатларни талаб этиладиган жараёндир.

Баъзи ўқитувчилар биринчи йил давомида бу ишнинг аниқ натижаларини кўрадилар, Баъзилар бошланғич мактабни битиргунча биринчи босқичдан иккинчисига утмай қолади.

Қачон синф болалар гурухига «жамоа» деб айтиш мумкин?

Жамоанинг белгилари қўйидагилар:

1. Барча ўқувчилар учун ягона мақсад, ва вазифалар, уларнинг ижтимоий фойдалилиги;
2. Биргаликдаги амалий фаолияти;
3. Гурухдаги фаол ядрова ўз-ўзини бошқариш органлари.

Булардан ҳамма белгилар биргалиқда бор бўлса, демак синиф гурухини «жамоа» деб номлаш мумкин. Лекин жамоа шакилланиш жараён мураккабдир. Синиф ўқитувчиси босқичма-босқич шакинлаштиради ва ривожлантиради. Энг юқори босқичига синф гурухини етказиб бориш учун туғри педагогик раҳбарлик қилиши керак.

3. Бошланғич синф болаларини жамоа орқали тарбиялаш методикаси.

Жамоа тарбиянинг мақсадими ёки воситами? Уларни бир бирига қарам қарши қўйилгандагина савол баҳсига сабаб бўлади.

Бошланғич синф болаларни тарбиялашда жамоадан фойдаланиш йуллари:

1. Кўп қиррали фаолият, аниқ белгиланган ҳуқуқ ва бурчлар, юксак масоулият доимий назорат ва ишда кўрсатилган удда буройлик ҳамда шахсий хислатларни мухокама қилиш-бўларни сари ўқувчи

шахсиятига кучли таъсир кўрсатади. Уларга жамоатчилик ишига нисбатан қизиқиш пайдо бўлади, ташкилотчилик қобилияти ривожлана бошлайди.

2. Синф жамоасида мусобақани ташкил этиш ва болаларни жамоа бўлиб фаолият кўрсатишига, бир-бирига ёрдам беришига, синфларда яширин имкониятлардан фойдаланишига йўл очади, болаларни жамоатдаги манфатлари билан яшашга ўргатади.
3. Жамоа аозоларига босқичма-босқич текширишларини ва талабларини мураккаблаштириш (ҳар қайси болага алоҳида топшириқ бериш, ҳар қайси болани буйсинувчи, ҳам раҳбар сифатида сина олиш керак).
4. Жамоадан тарбия восита сифатида фойдаланишда педагогик жамоада болалар ўзини қандай тутиш ва ўз уртоқларига қандай муносабатда бўлиши ҳақидаги масалаларига катта эотибор бериши шарт. Жамоа аозоларининг биргаликдаги амалий фаолиятини ташкил этишда ибрат бўлиб, бу фаолит жамоа ва жамиятимиз учун зарур бўлган ҳилма-хил меҳнат турларини ўз ичига олади.

Педагоглар жамоа орқали ўқувчиларни катта хаётга, жамиятга жалб қиласди.

5. Жамоани ривожлантириш мақсадида бошланғич синф ўқитувчиларга қўйидаги тавсияларни бериш мумкин: а) ўқувчиларнинг шахсий хусусиятларга эотибор бериб, муамола қилиш; б) синфда қизиқарли, оммавий ўйинларни ташкил этиш; в) бошқа синфлар билан мусобақаларни уюштириш; г) бемор бўлган ўқувчиларни синф жамоа билан бирга бориб кўриш; д) жамоадаги аноаналарни шакллантириш ва мустаҳкамлаш.
6. Жамоада дустлик ва ўзаро ҳурмат, кичик гурухлараро тўбри муносабатларни шакллантириш.

Умуман олганда бошланғич синф ўқувчиларни тарбияда жамоани роли жуда катта. Жамоа туғилади, усади ривожланади, ўз хислатларини тарбиялайди, қизиқиш ва эҳтиёжларни кенгайтириб боради. Ҳар қандай жамоани ўтмиши, бугунги куни ва қелажаги бор. Замонавий бошланғич синф жамоанинг қелажаги ўқитувчининг қўлида.

4. Мактабда жамият ташкилотлари ва ўз-ўзини бошқариш органлари, уларни педагогик раҳбарлик қилиш асослари.

Тарбиявий таъсирларнинг уйғунлиги ва узлуксизлиги қоидасини кўллашда ўқувчиларнинг жамоат ташкилотлари ўз ўрнини тутади.

Бунаقا ташкилотлар бутун дунёда тарқатилган бўлиб шуни кўрсатадики, болалар ҳар доим ёшлигиданоқ сиёsat билан қизиқар, катталарга мамлакат иқтисодини юксалтиришда, жамиятни ривожлантиришда ёрдамлашишига интилар эканлар. Шу сабабли 1907 йилда Англияда 1910 йилда Россияда «Бойскаут» ташкилоти тузилди.

Бойсакутчиларнинг асл мақсадлари ярқираган ташқи шакллари билан ниқобланган бўлиб, мавжуд ижтимоий тузимга садоқатли бўлиш тартиб қилинар эди. Кейин эса фирмаларни бевосита таъсирида ва сиёсий раҳбарлигига ишлайдиган болалар ташкилотлари вужудга кела бошлади: 1919 йилда Совет Иттифоқи Комунистик ташкилотлари, 1922 йилда эса «Спартак» номли ёш пионер отрядлари тузила бошлади, 1924 йилда Англияда тузилган пионер ташкилоти «Урмон ҳалқи» деб аталди. 1945 йилда Францияда Комунистик партия раҳбарлигига ишлайдиган сиёсий ташкилоти «Жасоратлилар иттифоқи» тузилиб ўз сафларига бир кучада ёки бир махаллада яшайдиган 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларни бирлаштиради. 1962 йилда Хиндистонда, 1961 йилда Кубада, Финляндияда, Норвегияда ва бошқа мамлакатларда ҳам пионер ташкилоти тузилган.

Собиқ Совет иттифоқи пионер ташкилоти ташкил топган кунидан то сўнги вақтларигача унга Комсомол ташкилоти раҳбарлик қилиб, унинг функцияларини белгилаб берди. Совет Иттифоқи тақалиб кетганидан кейин пионер ташкилоти ўрнига Ўзбекитон Республикасида 1995 йилда «Болалар ва усмирлар уюшмаси» тузилган. Бу уюшмаси Республика қашшофлар ташкилотининг хукуқий вориси бўлиб ҳисобланади. Унинг таркибига «Камолот» (юқори синф ўқувчилар жамияти) ҳамда турли хил болалар ташкилотлари киради. Унинг мақсад-уюшманинг ҳар бир аозосига жумхуриятнинг муносиб фуқароси бўлиб етишишга ўзини мустақил хаётга тайёрлашга ўз ҳаракатлари билан оиласига ва жамиятига фойда келтиришга ёрдам беришdir.

Уюшманинг ўз-ўзини бошқариш органлари мавжуд мактаб миқёсида уюшманинг кенгashi синф миқёсида-отряд командири ёки синф сардори. Уларга юқори синф ўқувчилари ёрдам бериб боришади, ҳамда синф раҳбари педагогик раҳбарлик қилиб боради.

Мактаб миқёсидаги 1987 йилдан ўқувчилар қумитаси учком ўз-ўзини бошқариш асосий орган эди, қумита таркибида бошланғич синф ўқувчилар вакиллари ҳам аозо бўлиб қатнашдилар.

Ўқувчилар қумитаси ўз вакиллари синфдошлар -орқали ҳамда болалар ва усмирлар синфдаги уюшмалар синфдошлар бўйича ўз тарбиявий ишларни ташкил этадилар.

Педагогика назариясида ва амалиётида ўқувчилар уюшмалари тажрибалар ҳақида анча маълумот тупланди. XX аср 20-йиллардан то сўнги вақтларгача уларга ўқитувчилар раҳбарлик қилиб, унинг тарбиявий мақсадларини ва иш мазмунини белгилаб берди.

Масалан: Ўзбекистон Болалар ва Усмирлар Уюшмаси аозолари учун илмий-педагоик тавсиялар асосида қўйидаги қоидалар ишлаб чиқилган

- 1) Сўз ва иш бирлиги;
- 2) Дустлик ва ўртоқлик:
- 3) Бурч ва виждон:
- 4) Ғамхурлик ва меҳрибонлик:
- 5) Катталарга хурмат кичикларга иззат.

Уюшманинг шиори эса: «Ватан, дўстлик, эзгулик ва адолат учун!» амалга қуллашда ўқитувчи синф раҳбари сифатида қўйидаги йуналиш бўйича ўз фаолиятини ташкил этади:

1-синф ўқувчиларни умумий ўрганши: уларнинг имконият ва қизиқишилари, қобилият ва эҳтиежларини аниқлаш:

2-жамоада лидерларни аниқлаш;

3-синф жамоасини кичик ижодий гурухларга бўлиш (хар қайсининг ўз номи ва шиори ва эмблемаси бўлиши мумкин).

4-олган натижаларни таҳлил қилиш ва солиштириб, ледерларга, энг фаол аозоларига ижтимоий топширикларни бериш:

5-шахсий сухбатларда фаолларга уларнинг бурч ва хуқуқларини тушунтириш; уларга режа тузишда ёрдам бериш:

6-синф миқёсидаги ёки бошланғич мактаб миқёсида «фаоллар мактаб»ини ташкил этиш.

7-фаолларинг маълумотларини ҳар ойда ўқувчилар йиғилишларда эшитиш;

8-ўқув юили давомида фаолларга амалий ёрдам бериш ва ишлаш муддати тугашда уларни баҳолаш.

Педагогик раҳбарлик самарали бўлиш учун, ўқитувчи бир неча омилларни хисобга олиши шарт:

Биринчидан -болаларнинг қизиқишиларига ва имкониятларга эотибор бериш.

Иккинчидан -фаолларни тез-тез алмаштириш, чунки улар буйруқбозликка ўрганмаслик керак.

Учинчидан -барча жамоа аозоларига шу жумладан, фаолларга ҳам бир хил муносабатларни билдириш.

Синф ўқувчилар фаолига тегишли маслаҳатлар бериш, уларни ишини назорат қилиш-синф раҳбарнинг кундалик ишларидир. Бу ишнинг натижаларини у ўз кундалиқда ёритилади ва таҳлил қиласди.

Тарбиявий иш педагогдан кўп кучини ишга солишни тақозо этади, чунки келажак авлод тарбияланган, уюшган, ақл, жонажон Ватанимизнинг ҳақиқий фуқаролари бўлиши лозим.

Тарбия мураккаб жараён бўлиб, ўқитувчидан нафақат ўз билимлари ва малакалари, балки синф ўқувчилар жамоаси ҳамда жамоат ташкилотларнинг тарбиявий таъсирини жалб қилиш ва тўғри мақсадга йуналтиришдаги маҳоратини талаб қиласди.

Таянч иборалар

Жамоа, жамоа белгилари, жамоат ташкилоти. Жамоа шаклланиш босқичлари, ўқувчилар ўз-ўзини бошқариш органлари, педагогик раҳбарлик, жамоа ва жамоат ташкилотининг тарбиявий аҳамияти.

6.МАВЗУ: КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ОНГИГА ПЕДАГОГИК ТАЪСИР ЭТИШ МЕТОДИКАСИ.

РЕЖА:

1. Педагогик таъсир ҳақида тушунча.
2. Педагогик таъсирнинг усуллари.
3. Кичик ёшдаги болалар онгиға таъсир этиш методикаси.

1. Педагогик таъсир ҳақида тушунча.

Педагог ўз усулларини йўқ нарсадан яратмайди, уларни ўйлаб топмайди. У болалар ҳаётини педагогик жихатдан мақсадга мувофиқ тарзда ташкил этиш вазифаларига жавоб берадиганларини танлаб олади.

Педагогик таъсир қўрсатиш моҳияти - педагог томонидан болалар онгиға ижобий таъсир қилиш, уларни ишонтириш мақсадида таъсир этиш.

Педагогика фанида бу масала энг мухим ва долзарб муаммолардан бири бўлиб хисобланади.

Педагогик таъсир тарбия тизимини услубий бўлимнинг таркибий қисмидир (З-мавзу, 2-чи жадвалга қаранг).

Бундан ташқари, педагогик таъсир, хусусан, педагогик талаб, педагогик жараёнини бошқариш заруриятидан келиб чиқади. Педагогик таъсир барча таълим - тарбия жараёнида кенг тарқалган, чунки ўқитувчи ҳам дарсларда, ҳам дарсдан ташқари болаларни бошқаради.

2. Педагогик таъсир усуллари.

Педагогик таъсир қўрсатишнинг асосий усуллари: талаб, истиқбол, рағбатлантириш ва жазолаш, жамоатчилик фикридир. Талаб педагогик тажрибада жуда кенг тарқалган усул бўлиб, таълим ва тарбия жараёнида педагогнинг тарбияланувчига шахсий муносабатни намоён бўлиш йўли билан у ёки бу хатти ҳаракатларнинг рағбатлантиришини таъминлайди. Истиқбол - таъсир қўрсатишнинг жуда таъсирчанг усули бўлиб, у болаларнинг хатти-ҳаракатларини улар олдига мароқли мақсадлар қўйиш йўли билан таъминлайди. Рағбатлантириш ва жазолаш тарбиянинг энг аноанавий усули бўлиб,. Болалар хулқ-авторига тузатиш киритища, яони фойдали хатти-ҳаракатларини қўшимча рағбатлантириш ва тарбияланувчиларнинг номақул хатти-ҳаракатларини тўхтатиши таъминлайди. Жамоатчилик фикри таъсир қўрсатишнинг кудратли усули бўлиб, Болаларнинг ижтимоий фойдали фаолиятини ғоят ҳар томонлама мунтазам рағбатлантириб боришни таъминлайди.

3. Кичик мактаб ёшидаги болалар онгиға педагогик таъсир қўрсатиш методикаси.

Тарбия жараёнида самарали натижаларга эришиш учун педагогик таъсир қўрсатиш усулларидан тўғри фойдаланиш зарур. Талаб педагогик

таъсир кўрсатишнинг бошланғич усули бўлиб, тарбияланувчиларнинг муайян фаолиятини рағбатлантиришнинг ёки тўхтатишини аниқ, амалий ҳамда, ахлоқий сифатларини намоён қилишни таъминлайди.

Талаб қилиш усули болаларнинг кўпинча ахлоқий сифатларини шакллантиришга ёрдам беради. Лекин тарбияланувчиларда ўзига нисбатан масоулият ва талабчанликни ривожлантиришда алоҳида вазифани бажаради.

Педагогик таъсир кўрсатиш усули бўлган талабнинг аҳамияти катта ролр ўйнайди. Ўқитувчи болалар билан ишлар экан, бинобарин уларнинг фаолиятини ташкил этар экан, ўз кўрсатмалари билан ўқувчиларнинг айрим характеристерини рағбатлантиради.

Ўқитувчи томонидан берилган барча кўрсатмалар ва тушинтиришлар, мулоҳаза ва танбеҳлар педагогик таъсир кўрсатишнинг энг муҳим усули бўлган талаб қилишнинг тўғри шаклларида айтилади. Шунинг учун педагогнинг талабсиз ўқувчиларнинг ўқув ва ижтимоий фаолиятини ташкил этишни тасавур этиб бўлмайди.

Талаб мазмун жихатдан ҳам, шакли жихатдан ҳам ривожланиб боради. Педагог тўппа-тўғри талабни қўяр экан, болалар билан муайян муносабатларга киришади ва айни вақтда уларда бажариладиган фаолиятга муносабатини шакллантиради. Тарбиячининг болага ва қилаётган ишларга бўлган муносабати характеристига мос келадиган барча бевосита талаблар уч группага бўлиши мумкин.

Биринчи группа - педагогнинг тарбияланувчига бўлган ижобий муносабатини ифодалаш учуг боғлиқдир. Булар илтимос, ишонч, мақуллашдир. Уларни ижобий талаблари деб атаймиз.

Бевосита талабларнинг иккинчи группасининг тарбиячиси болаларга бўлган муносабатини яққол ифодалайди, балки тарбияланувчиларнинг реғбатлантирувчи фаолиятга бўлган қарор топган муносабатларига асосланади. Булар: буйруқ, маслаҳат, таъна, шартли талаб, илтимос, ўйин шаклидаги талаблардир. Уларни бетараф талаблар деб атаймиз.

Бевосита талабларнинг учинчи группаси тарбияланувчининг фаолиятига у ёки бу ахлоқий сифатларини намоён қилишга салбий муносабатларни намойиш қиласади. Булар: фош қилиш, ишончсизлик билдириш ва дўқ қилишдир. Уларни салбий талаблар деб атаймиз. Ишонч билан талаб қилиш энг кучли тарбиявий воситадир.

Педагогнинг талаб қилиш маҳорати, унинг болалар ишини ташкил этиш, улар меҳнат қилиш маҳорати билан мустаҳкам боғлиқдир. Педагог талабларнинг турли шаклларидан қанчалик қўпроқ фойдаланса, таъсир самарали бўлади. Маълумки, ўкувчи осон ва ёқимли иш билан шуғулланишига мажбур қилиш бошқа гап, бажаришга эришиш эса бутунлай бошқа гап.

Педагог вазият билан у тақозо қилган педагогик таъсир кўрсатиш усулининг бирор шакли ўртасидаги боғланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Таянч иборалар.

Педагогик таъсир талаб, бевосита ва билвосита талаб, истиқбол, рағбатлантириш,, жазолаш, жамоатчилик фикр, таъсир кўрсатишининг методик асослари.

7 МАВЗУ: БОШЛАНГИЧ МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ИЖТИМОЙ ТАЖРИБАСИННИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ.

РЕЖА:

1. Болаларни фаолият жараёнида тарбиялашнинг аҳамияти.
2. Хулқ тажрибаларини шакллантириш усуллари.
3. Бошлангич синф болаларда фаолият жараёнида ижтимоий тажрибаларни шакллантириш методикаси.
4. Адабиётлар.

1.Болаларни фаолият жараёнида тарбиялашнинг аҳамияти.

«Тарбия санъати шундай хусусиятга эгаки деярли барчага таниш ва тушунарли, Баъзиларга жуда осон иш бўлиб туюлади-одам шу иш билан назарий ва амалий жихатдан қанчалик кам таниш бўлса, унга бу шунчалик тушунарли ва осон бўлиб кўринади. Деярли, ҳамма тарбия сабр-тоқатни талаб этишни эотиров қилишади, айримлар бунинг учун тұғма қобилият ва малака, яони куникма керак, деб үйладилар, бунинг учун тұғма қобилият ва малака, яони кўникма керак деб үйладилар: лекин бунда сабр тоқат, тұғма қобилият ва малакадан ташқари, яони маҳсус билимлар кераклиги ҳақида ишонч хосил қилишди” - деб ёзган буюк рус педагог К.Д. Ушинский.

Булажак ўқитувчиларга, бу фикр жуда тегишли, чунки тарбия усуллари ҳақидаги билимлар ўқитувчи учун энг зарур билимлардан аҳамиятли қисмидир.

Юқорида айтганимиздек, тарбия - тарбиячи ва тарбияланувчи фаолиятларни ўз ичига олган икки ёқлама жараён. Тарбиячилар - билим ва тарбияга эгу бўлган кишилар, тарбияланувчилар-билим ва ижтимоий тарбия ўрганувчи ўшлардир. Аммо тарбияланувчилар муайян даражада актив фаолият кўрсатмасалар, тарбия ва билим ўргана олмайдилар.

Демак, тарбия усули-тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ҳамкорлигидаги фаолият ва ўзаро таъсир кўрсатиш усулидир.

Шундай қилиб, тарбия жараёнида ўқитувчи якка ўқувчи ёки синф жамоаси манфаати йўлида бирон бир тарбиявий масалани ҳал қилиш учун ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини тарбияланганланлик даражаларини, педагогик вазият характерини хисобга олган ҳолда ташкил этиш шакллари мажмуасига тарбия усули (методи) дейилади.

Маълумки, биринчи гурух усуллар орқали ўқитувчилар ўқувчилар олдига жамиятимиз қандай талаблар қўяётгани етказадилар. Лекин, бу талабларни амалга қўллаш учун ўқувчиларни аниқ амалий фаолиятига жалб қилиш зарур,. Чунки улар ривожланишнинг асосий омили - бу фаолиятдир.

Фаолият нуқтаи-назаридан ёндашиш қоидаси - мактаб, синф хаётининг ҳамма жабҳаларидан таълим - тарбия жараёнларига сингиб кетди.

Фаолият ўқувчиларни хилма-хил билимларни мустақил әгаллашга үндайды, уларни қайси ижодий фаолият тарбияси, хисси қадрият муносабатларини ўзлаштиришга ёрдам беради.

Ўқувчиларни биринчи синфдан бошлаб имконият даражасидаги фойдали меҳнат билан шуғулланишлариға эришиш лозим. Бундай меҳнат күпчилик, жамоа бўлиб бажарилганида яхши натижа беради. Бу гурух қуидаги усуллардан иборат: машқ орқали ўргатиш усули, ўйин, топшириқ, мусобақа.

2. Ижтимоий хулқ тажрибаларини шакллантириш усуллари:

A) Машқ ва ўргатиш усуллари.

Машқ болалар фаолиятини оқилона, мақсадга мувофиқ равишда ва ҳар томонлама ташкил қилиш, уларни аҳлоқ мезонлари ва ҳулқ атвор қоидаларини бажаришга одатлантиришdir. Одатлар болаликда таркиб топади ва қийин мустаҳкамланиб борди.

Ўқувчилар, ота-оналар болаларда ижобий одатлар шаклланишини кўзатиб боришлари керак. Ўқувчилар одатлари яқинларидан мерос қилиб олмайди, балки улар билан мунтазам мулоқотлари туфайли таҳлил қилиш, тарбия орқали ҳосил қиласди. Оҳир оқибатда одат эҳтиёжига айланади.

Машқ муайян хатти-ҳаракатлари кўп маротаба тақрорлашни ўз ичига олади. Машқ ва одатлантириш ўқувчи учун онгли, ижодий жараёндир. Машқ натижасида кўнишка, одат янги билимлар ҳосил қилинади. Ўқувчининг аҳлоқий қобилияти ривожланади, аҳлоқий тажрибаси кенгаяди. Одатсиз тарбия пойдеворсиз бинога ўхшайди. Одат эса мунтазам машқ орқали мустаҳкамланади.

Ўргатиш бир неча изчил ҳаракатлар йифиндисидир. Ўқитувчи бу ҳаракатларни кўрсатиб бериш, тушинтириши, кузатиши лозим. Тарбия амалиётида машқ қилишнинг турли хиллари мавжуд: фаолиятида машқ қилиш; кун тартиби машқлари, маҳсус машқлар.

Фаолиятда машқ қилиш меҳнат, ижтимоий фаолияти, жамоадаги фаолияти ва ўзаро муносабат одатларини тарбиялашга қаратилгандин. Кун тартиби машқлар мактабда, оилада ўрнатиладиган кун тартибига амал қилиш, шу билан боғлиқ ўз истак ва ҳаракатини бошқариш, иш ва бўш вақтдан тўғри фойдаланиш одатига ўргатади. Маҳсус машқлар маданий ҳулқ, малака ва кўнималарини ҳосил қиласди ва мустаҳкамлайди.

Б). Ўйин усули

Болалар хаётида ўйиннинг аҳамияти жуда катта, чунки ўйин уларнинг асосий фаолиятидир. Ўйин орқали болалар катталарнинг хаётини, шахслараро муносабатини, ижтимоий хулқ тажрибасини ўйнайдилар.

Энг тарқалган болалар ўйинлари: "Боғча", "Мактаб", "Касалхона", "Оила", "Бозорда", "Магазинда" ва бошқа ролли ўйинлар бўлиб ҳисобланади. Булардан ташқари барча болалар ҳаракат ўйиларини ҳам яхши кўрадилар. Лекин, катталар томонидан ўйинларга алоҳида эотибор бериш керак, чунки

ўйин орқали болаларда нафақат ижобий сифатлар, салбий сифатлари ҳам шаклланиши мумкин. Мисол учун, "Уруш" ўйин Баъзи болаларда бераҳмлик, боғритошликини шакллантиради.

В) Топшириқ усули

Ўқувчиларниг топшириқларини жамоа сифатида бажаришлари уларда ижтимоий хулқ тажрибаларини шакллантиришда алоҳида аҳамитяга эгадир. Ўқувчилар ўз кучларини умум ишга сарфлашга, жамоа учун маъсулитни хис этишга ўрганадилар.

Меҳнат топшириқлари болалар характерини шакллантиради, мустахкамлайди.

Тарбия жараёнида топшириқлар муҳим ўрин тутади.

Топшириқлар тарбиявий аҳамиятига эга булиш учун ўқувчилар топшириқларнинг ижтимоий аҳамиятини, муҳимлигини, зарурлигини тушунишлари керак. Топшириқ берилишдан кейин шу топшириқни бажариш жараёнида ўқувчиларга ўргатмоқ, ёрдам бермоқ лозим.

Тарбия ғоятда мураккаб жараен бўлиб, ҳар даврнинг ижтимоий сиёсий хаётини ўзида акс эттиради. Унинг восита ва омиллари асрлар давомида шаклланиб такомиллашади, ўзини оқлаган урф-одатлар аноанага айланади. Бинобарин, тарбияда ҳар бир халқнинг ўз удуми, усули, тарихан шаклланган ва тажрибада синалган дунёқараши тарбия воситалари бўлади, шунинг учун тарбия миллий ва тараҳий заминидан ўзилмаслиги керак.

Г) Мусобақа усули

Мусобақа болаларнинг хаётида жуда муҳим ўрин тутади, чунки у орқали болаларни нафақат улар учун қизиқарли ишларга, аммо қизиқарли бўлмаган ишларига ҳам жалб қилиш мумкин. Масалан: Баъзи болалар ўзи ўтирган жойларни ёки синф хоналарини, тозалашни, синфларда навбатчиликни ёки шанбаликда қатнашишни ёқтирумайдилар, лекин мусобақа ёрдамида улар нафақат қатнашади, яхши натижалар ҳам кўрсатадилар.

Мусобақа элементларидан болаларнинг кўпгина фаолият соҳаларида фойдаланиш мумкин.

Ўқитишда (дарс пайтида): болалардан ким тезроқ ва тўғри жавоб беради.

Меҳнатда: ким чиройлироқ ва сифатли иш натижка кўрсатади.

Спорт соҳасида: ким баландроқ сакрайди, ёки тезроқ югуради, ким футбол ёки теннис яхшироқ ўйнайди.

Ижтимоий фаолиятда: ким ўфалроқ ва қизикроқ иш қиласди. Лекин битта нарсадан эҳтиёт бўлиши керак - мусобақа ташкил қилишда формализмга йул қўймаслиги керак.

Мусобақа сифатли натижаларга эрешиш учун ўқитувчи қўйидаги талабларни хисобга олиш керак:

1. Мусобақанинг шартларини ва мезонларини болалар билан биргаликда ишлаб - чиқиш;
2. Мусобақанинг давомида аниқ хисоб - китоб олиб бориш;

3. Мусобақанинг натижалари ҳаммага маълум бўлиши керак;
4. Ютган ўқувчиларни албатта рафбатлантириш керак.

Фақат юқорида қўрсатилган талабларни хисобга олган холда мусобақа тарбия усули сифатида самарали натижа бериши мумкин.

3.Бошланғич синф болаларда фаолият жараёнида ижтимоий тажрибани шакллантириш методикаси.

Замонавий бошланғич мактаб ўқувчиларининг психолгоик ҳусусиятларни ҳисобга олган холда ўқитувчи болаларда ижтимоий тажрибани шакллантириш жараёнида қўйидаги методик тавсиялардан фойдаланиш мумкин. Бу ишлар болалар томонидан катталар тажрибасини ўрганишдан бошланади, шунинг учун қанчалик болаларга ҳаётнинг қоидаларини яхши тушунтирилса, шунчалик улар ижтимоий тажрибасини эгалла оладилар.

Бошланғич синф ўқитувчи бу соҳадаги ишларни болаларнинг мактабгача эгаллаган тажрибасини билиш ҳам даркор. Шунингдек у ўз синфдаги болаларнинг ота-оналари билан ҳамкорликда ишларни олиб бориш зарур. Бундан ташқари ўқитувчи боғча тарбиячилари билан алоқада бўлиши керак, чунки боғчадан мактабга келган болаларда Баъзи ижтимоий тажрибасининг асослари аниқ даражада шакллангандир. Мактабга келгандан сўнг болаларни мактаб қоидаларга ўргатиш мақсадида биринчи навбатда ўқитувчи ўларнинг кун тартибига ўрганиш машқларни ташкил қиласди. Иккинчи навбатда болаларни ижтимоий хаётга жалб қилиб уларга шахсий ва жамоадаги топширикларни бериб, ўқитувчи болалар ўртасида мусобақа ташкил қиласди ва шу билан биргаликда уларни фаоллаштиради. Бошланғич синфларда тарбиявий ишларни ташкил этишда ўқитувчи битта нарсани унутмаслиги керак: барча тарбия тадбирларни ўйин шаклда ташкиллаш зарур, чунки 6-11 ёшли болаларнинг хаётида ўйин асосий ўринни тута олмоқда. Шунингдек машқ ва ўргатиш, топшириқ ва мусобақа ўйин шаклда ўтказилади. Масалан, топширикларни пакетга солиб, хар қайси болага ёки кичик гуруҳ раҳбарига «сир сақланиб» берилади, ёки навбатдаги топшириқ синф хонасни йиғиштиришда болалар ўзлари «топишади». Мусобақа элементлари нафақат спорт ўйинларида (қувноқ стартлар, «Спорт оиласи» ва бошқалар) балки турли хил курик танловларда ҳам ташкил этади.

Масалан иккинчи чоракнинг охирида барча 1-чи синфларда «Алифбо байрами» ўтказилади. Бу байрамни тайёрлаш ва ўтказиш жараёни кўпгина усуллардан фойдаланишга имконият беради ҳам топшириқ, ҳам ўйин, ҳам мусобақа ҳам саёҳат...

Энг тарқалган ўйинлардан - ролли ўйинлар экандир.

Мисол учун: «Светофор» ўйинлар болалар бир неча ролларда қатнашмоқда: Йоловчи, враchlар, ДАН ходимлари ва х.к. шунаقا мисоллар қўйидаги хulosаларни тасдиқлайдилар:

- Болаларда ижтимоий тажрибасини шакллантириш жараёни мураккабидир, шунинг учун унда битта-иккита эмас, кўпгина усуллардан бирданига фойдаланиш зарур;
- Бу усуллар бир-бири билвн боғланиш зарур, чунки улар бир бирини тўлдиради;
- Ижтимоий тажрибасини шакллантиришда бу гурухдаги усулларни бошқа тарбия усуллари билан боғланиш керак, унда тарбия самарали натижа бериши мумкин.

Таянч иборалар

Тарбия усули, усуллар турлари болалар фаолияти ва тарбия ижтимоий тажриба шакиллантириш усуллари, машқ ва ўргатиш, ўйин, топшириқ мусобақа, улардан фойдаланиш хусусиятлари.

8 МАВЗУ: БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАР ЎЗ -ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШДА ПЕДАГОГИК РАҲБАРЛИК.

РЕЖА:

- Болалар ўз-ўзини тарбиялашда педагогик раҳбарлик ўқитувчи фаолиятининг таркибий қисми сифатида.
- Ўз-ўзини тарбиялашнинг моҳияти ва шахс камолатидаги аҳамияти.
- Бошлангич синф болаларни ўз-ўзини тарбиялашда педагогик раҳбарликларнинг хусусиятлари ва усуллари.
- Адабиётлар.

1.Болалар ўз-ўзини тарбиялашда педагогик раҳбарлик ўқитувчи фаолиятининг таркибий қисми сифатида.

Педагог касби қизиқарли ва мураккаб касбидир. Бу касб жуда катта гоявий мазмунга эга, ўқитувчи меҳнатининг ижтимоий аҳамияти ҳам катта. Негаки авлодлар тақдирни жамият-келажаги ўқитувчилар қўлида. Ижтимоий онгни аҳоли маданиятини, миллий ғоя ва истиқлол мафқурасини, қизиқишлиарни ва эҳтиёжларни таркиб топтириш билан боғлиқ бўлган ўқитувчи фаолиятининг ижтимоий аҳамияти каттадир.

Айни вақтда ўқитувчилик касби энг мураккаб ва қийин касблардан биридир. Тарбияланувчиларнинг тақдирни учун масоулиятли жуда катта. Шунинг учун ўқитувчи сифатларига қўйиладиган талаблар жуда катта ва юқори булиши керак. Ўқитувчининг ақл-идроқи, билими, хатти-харакати, ҳамма нарсалар ўқувчилар, ота-оналар теварак атрофидаги кишилар томонидан доимо танқидий таҳлил қилинади. Агар ўқитувчининг маънавий

қиёфаси ўқувчилар ёки ота-оналарнинг тасаввурига озгина булсада мос келмаса, орада келишмовчилик бўлиши муқаррар.

Педагог фаолиятининг қийнчилиги яна шундан иборатки, унинг натижалари дарҳол кўринмайди уларни хатолар тузатиш қийин бўлган вақтида аниқланади педагог муомала ва педагог таъсир кўрсатиш ҳам ўзига хос ва мураккаб, ўқитувчилик фаолиятининг маҳсули бошқа кишининг психик ва жисмоний қиёфасида, унинг билимлари, малакалари, характер ҳислатларида, уйғунликка эришиш-педагогнинг вазифаси.

Шундай бўлса ҳам педагогнинг ўз фаолияти обоекти-тарбияланувчи билан ўзаро алоқаси асосий қийнчиликни ташкил этади. Педагогнинг фаолият обоекти бўлгани учун ҳам, шундай тарбиянинг муваффақияти фақат тарбияланувчининг педагог, тарбия жараенига. Ўзига бўлган муносабатига боғлиқ эмас. Тарбия доимо ўз-ўзни тарбиялашни назарда тутади ва у билан чамбарчас бирикиб кетган. Ўқувчини бир холатлан иккинчи холатга ўтказиш зарурати натижасида пайдо бўлган жуда кўп сонли педагог вазифаларни ҳал этиш педагоглик фаолиятининг моҳиятини ташкил этади. Ҳар бир педагогик вазифа бир неча вариантда ҳал этилиши мумкин, лекин педагог доимо улардан энг яхшисини топиши керак.

Ўқитувчилик фаолиятини тегишли қобилият ва малакалар қанчалик осон ижод қиласади! Лекин ҳар бир устаннинг ўз табиати ва ўз характеристери уч услуби ва нихоят булажак нарса ҳақидаги ўз тасаввури, ўзинг ахлоқий ва эстетик модели бор.

Кишининг мураккаб камолоти натижасида улар ниманинг маҳсус эканлигини фикрлаш қийн булади. Унга купрок таъсир курсатади: мазкур педагогик таъсирни, бошқа ижтимоий таъсирларни ёки табиий истоедод куртакларими?

Бунда шахсга кўрсатиладиган барча таъсирларни мувофиқлаштириш, уларни кординациялаш. Ҳар доим педагог зиммасига тушади.

3. Ўз-ўзини тарбиялашнингмоҳияти ва камолатидаги аҳамияти.

Ўз-ўзини мувофиқлаштириш ва ўз-ўзини бошқариш шахсининг таркибий элементларидан биридир. Улар шахснинг хусусиятлари таркибига киритилади, бироқ ўз-ўзини бошқаришнинг турли хусусиятлари у ўзини намоён қилиш бир хил кўринишда бўлмайди, Баъзи холларда бундай хусусиятлар ортиқ даражада купайиб кетган бўлади.

Ўз-ўзини бошқаришнинг олий даражаси ўз-ўзини тарбиялашдир, ўз-ўзини тарбиялаш бўйича педагогика ва психология фан олимлари қизиқ ва оригинал тадқиқотларни ўтказмоқдалар.

Шулардан бири И.Ротининг «Бошқалар орасида ва ўзи ётғиз» китобидир. Болалар хаётини туғри ташкил этиш, уларни бутун тарзда тарбиялашни ташкил этиш мақсадларида у болаларни турмуш меҳнатига, ўз-ўзини бошқаришга жалб қиласади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг мустақил-ликларини умумий суроатда харакат қиласади, билимларини айнан ўз-ўзини бошқариш

белгилайди. Бошланғич синфларда ўз-ўзини хизматларини ташкил этиш тарбиячидаги доимий эотиборни ва турли методлардан фойдаланишни талаб қиласи. Болаларга режим бўйича яшаш, бир режим жараёнида иккинчисига осоиишда утиш одатлантирилган экан, ўққитувчи болаларнинг мустақилликларини, харакатларини қўрсатиш ва тушунтириш орқали рағбатлантиради, ўз-ўзига хизматни уюштиради. У болаларга меҳнатни ўйиндан фарқлашларига ўргатади.

Педагог энг аввало ўқувчиларда меҳнатнинг мақсадини болаларга ўқиб оладиган тарзда тушунтирилади, уларнинг мақсадга мувофиқ, иш тутишларига эришишга харакат қиласи. Шундай қилиб, тарбиячилар болаларга ўз-ўзига хизматни хар куни машқ қилдириб, хар бир ўқувчидаги меҳнатнинг бу турдаги мустақилигини таркиб топтиради. Ўз-ўзига хизмат қилиш борасида ўқувчилар синфи тоза ва сарамжон тутишада, узларни синфи, коридори ва мактабни йиғиширади, тозалашади. Ўқувчи ва ўқувчи бажарадиган ишлар болаларнинг кучли ва ёшига мос бўлишига, ўқувчилар меҳнатига бўлган санитария-гигиена талабларининг бузилмаслигига эотибор беради.

Ўз-ўзини бошқариш ҳаётда зарур бўлган меҳнат кўникмасини шаклланишида бошланғич босқич хисобланади. Шу билан бирга у болаларда мустақиллик, ташаббускорлик ва тежамкорлик каби сифатларнинг шаклланишида ижобий шароит хисобланади.

Ўз-ўзини тарбиялаш боши мухитга қаршилиқдир. Ноқулай шароитга мухитга қарши туриш, тўқсюнликларини енгил уриш ўз-ўзида нафаралари конкретлаши, ўз-ўзини назорат қилишга, ўз-ўзига буйруқ бериш усулларини ўрганиб олишга, ўз фазилатларини ва камчиликларини обектив баҳолашга мустақилик суратда маълумот олади.

ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ:

1. Мустақил билим олишга интилишга намоён бўлади
2. Намунага, идеал тақлид қилишда намоён бўлади.
3. Ўзидан талаб қила билишда, ёмон одатлар (ялқовлик, ўзига бин қўйишилик)дан курила билишда, дадил олдинга интилишда, яхшиликка харакат қилишда бўлади.
4. Шахсий ва ўзаро назоратда бўлишда намоён бўлади.
5. Кишилар ўртасидаги муносабатлар характерини пайқай билишда ва бу муносабатларга тўғри баҳо беришда.
6. Жамият учун фойдали фаолиятда намоён бўлади.

Ўз-ўзини бошқариш усуллари доим такомиллашиб боради, талаблар қўйишининг муайян тизими вужудга келади, характернинг зарур хислатлари машқлар тизимида таркиб топади.

4. Бошланғич синф болаларни ўз-ўзини тарбиялашда раҳбарликнинг хусусиятлари ва усуллари.

Бошланғич синф болаларни тарбиялашда уларни ўз-ўзини такомиллаштиришга жалб қилиш ва бу жараён уларга амалий ёрдам бериш бу ўқитувчининг муҳим вазифалардан биридир. Шу билан биргаликда бу ишларда ўзига хос хусусиятлари бор.

Биринчидан: 6-7 ёшдаги болалар мактабга кириб, психологик нұқтаи назардан ўз-ўзини бошқаришига ҳали тайёр эмас. Демак, уларни онгига шунақа таъсир керакка, улар ўз хохиши билан ўз устида ишлага ўқитувчига ёрдам беришади.

Иккинчдан: Ҳозирги бошланғич синф болаларни учун мос бўлган наомуна, идеал бошқача, улар ҳозирги ижтимоий ва иқтисодий шарт шароитларга мослаштирилган бўлиб, катталарнинг тушинмовчилигига олиб келиши мумкин.

Учинчидан: кичик мактаб ёшидаги болалар учун эртаги, яқин мақсад, аниқ намуна тушунчалари, лекин ўзоқ вақтига режалаштирилган ишлар уларни қизиқтирумайди.

Туртинчидан: 7-10 ёшдаги болалар учун катталарнинг муносабати, синфдошларни муносабати, жамоадаги фикр жуда муҳим бўлиб хисобланади.

Ўз-ўзини тарбиялаш жараён ҳам, юқорида айтганидек, мураккаб ва ўзига хос эгадир. В.А, Сухомлинский педагог меҳнатини хайкалтарош меҳнатига образли таққослаб, бу хақда жуда яхши гапирган эди: «Ишимизнинг барча ташвиши, барча қайғу-амаллари, бугун ижодийлиги шундаки» - деб ёзади уста педагог-амаллари, хайқалторошлардан бир нечаси. Булар оила ҳам тарбячининг шахси, ҳам болалар колективи, ҳам китоб, ҳам ҳеч бир кутилмаган ўймакор наққош, айтайлик болани қўча таништириб қўйган таниш кишилар.

Агар бу қучларнинг ҳаммаси жуда яхши хўрлаган оркестр каби харакат қилгандан, кишилар талаб этади. Буларга қўйдагилар киради:

1. Ўқувчи шахсини лойихалаш, ўқув-тарбиявий материалларни ўқувчиларнинг ёши ва индифидиал хусусиятларига мувофиқ, равишда танлаш ва тузатиш бўлган конструктив қобилияти ва малакалари.
2. Ўқувчи хилма-хил фаолият турларига жалб қилиш, коллективни вужудга келтириш ва унинг ҳар бир алохida шахсга кўрсатадиган таъсирни бошқаришга бўлган ташкилотчилик қобилиятлари ва малакалари.
3. Тарбияланувчилар билан тўғри ўзаро муносабатлар ўрнатиш ҳамда бу муносабатларни ўқувчиларнинг ривожланишига мувофиқ равишда ўзгаришга бўлган комуникатив қобилият ва малакалар.

«Педагогика ва психология» дарсларида сиз инсон ўз-ўзини тарбиялаш усуллари ўргана олдингиз.. Улардан қайси бирлари бошланғич синф ўқувчиларига нисбатан фойдаланиш мумкин.

1. Уларни ўз-ўзини таҳлил қилишга ўргатиш, унда уларни «Мен қанақа мен?» саволига ўғил-қиз сифатида, ака-ука, опа-сингил сифатида, ўқувчи сифатида жавоб берига ўргатиш;
2. Болаларни ўз ютуқлари ва камчиликларини топишга ўргатиш, масалан уларни атрофдаги одамларга ўз муносабатларини, ўз хатти-харакатларини баҳолашга ўргатиш;
3. Топган камчиликларни йўқотиш учун ҳар қайси бола катталар ёрдамида ўз олдига аниқ вазифа қўйиши: керак масалан, «ўқишида дарсларни қолдириш, ёки дарсларга тайёргарлик қўрсатмаслигини йўқ қилиш учун мен қуидаги чора кўришим керак»,
4. Ўз-ўзини назорат қилиш мураккаблиги сабабли болаларга отаоналар, синфдошлар, ўртоқлар, ўқувчилар назорат ишларни иштирок этишади.
5. Болаларни ўз имкониятларни тўғри хисоблаш ва режалаштирилган ишлари бор шароитларига мослаштиришга ўргатиш.

Юқорида айтганини хисобга олган ҳолда қўйидаги хулоса чиқариш мумкин:

Тарбия ўз-ўзини тарбиялашни назарда тутади ва у билан чамбарчас бирикб кетган ҳолда, унда бошланғич синф болаларга нисбатан педагогик раҳбарлик маҳсус шарт-шароитлар ва усулларни талаб қиласди.

Таянч иборалар:

Тарбиялаш ва ўз-ўзини тарбиялаш, субъект ва обьект тарбиячи ва тарбияланувчи; бошланғич мактаб ёшидаги болалар ўз-ўзини тарбиялашда педагогик раҳбарлик, унинг хусусиятлари ва йўллари.

9.МАВЗУ: КИЧИК МАКТАБДАГИ БОЛАЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ЖАЗОЛАШ МЕТОДИКАСИ.

РЕЖА:

1. Болаларни тарбиялашда рағбатлантиришнинг аҳамияти.
2. Рағбатлантириш ва жазолаш усуллари.
3. Бошланғич мактаб ўқувчиларини тарбиялашда рағбатлантириш ва жазолаш методикаси.

1. Болаларни тарбиялашда рағбатлантиришнинг аҳамияти.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида мағкуранинг ғоявий маъноси сифатида шахсларда умум инсоний қадриятларни шакиллантириш мақсад қилиб қўйилган. Шунинг учун ҳам тарбиядаги рағбатлантириш ва жазолаш усули ўқувчилардаги ижобий хислатларни ривожлантиришда, уларнинг ижобий фазилатларини такомиллаштиришда восита бўлмоғи лозим. Чунки рағбатлантириш болага ишонишга, унда бўлган ижобий қобилият ва фазилатларни кучини эотироф этишга асосланган. Рағбатлантириш

ўқувчининг кўнглини кўтаради, унга қувонч келтиради. Ўқувчи янада яхшироқ бўлишга интилишга ёрдам беради.

Рағбатлантириш бу болани хатти-харакати ва фаолиятига ижобий баҳо беришдир.

Жазолаш эса-тарбияланувининг хатти-харакати ва фаолиятига салбий баҳо беришдир. Рағбатлантириш ва жазолаш усуллари қўшимча усуллари бўлиб хисобланади, чунки уларни мустақил қилиб фойдаланиш мумкин эмас, уларни фақат бошқа усул гуруҳлари билан уйғунлаштириш мумкин.. Масалан, ўқувчи педагог томонидан берган топшириқни яхши, тўлиқ ва тўғри қилиб бажариб қўйилса, уни рағбатлантириш мумкин, агар бола бу топшириқни бутунлай бажаралмаса уни жазолаш керак.

Рағбатлантириш ва жазолаш усулларининг тарбиявий аҳамияти жуда каттадир, улар орқали тарбиячилар (ўқитувчи, ота-оналар ва ҳ.к.) тарбияланувчиларни хулқ тажриба, ижтимоий хулқ атвор мезонлари билан танишиб қўймоқдалар ва шу билан биргаликда ўқувчиларни мустақил хаётга тайёрлабниб бормоқдалар.

2. Рағбатлантириш ва жазолаш усуллари

Рағбатлантириш деган-стимул бериш рағбат қўрсатиш, кузатишдир. Ўқитувчи болаларни рағбатлантиришда бу усулнинг психологик асосларини билиши шарт. Рағбат сифатида энг тарқалган нарса-педагогик талаб экандир.

Педагогик таълим энг муҳим усул бўлиб хисобланади. Талаб бу тарбияланувчининг турли вазифаларни бажариш; ижтимоий-хулқ атвор мезонларини ифодалаши; у ёки бу фаолиятини бажарилиши зарур бўлган аниқ бир вазифа сифатида намоён бўлиш; турли қўрсатма сифатида намоён бўлиши, у ёки бу характерда рағбатлантирувчи ёки уни тўхтатувчи бўлиши; оқилона характеристларга ундовчи бўлиши мумкин.

Педагогик талаб педагогик таъсирининг таркибий қисми бўлиб у рағбатлантиришнинг асоси сифатида ишлатилмоқда.

Болаларни рағбатлантириш мақсадида уларга аниқ ва реал истиқбол қўрсатиш усули бор. Истиқбол қўрсатиш ҳам якка болага, ҳам жамиятга зарур. «Эртаги қувонч» сифатида қизиқарли жойга болаларни олиб бориш, цирк қўрсатиш, ажойиб совға билан рағбатлантириш ва бошқа чора қўрсатиш мумкин.

Бошланғич синflарда мусобақа усули ҳам тарқалган усулларидан биридир. Уни нфақат спорт соҳада, бошқа фаолиятларда ҳам фойдаланиш мумкин, хусусан меҳнатда ким чиройлироқ расм чизади, папремашедан чойнак пиёла ясати беради, ижтимоий фаолиятда (ким фаолроқ), кўриктанловда (ким яхшироқ қўшиқ, шоер айтиб беради.) ва бошқа ишларда.

Бошланғич синф болаларининг фаолиятини тўғри йўлга солиш ва ижтимоий талабларига мослаштириш мақсадида кўргазма қуроллар тизими қуйидаги усуллардан иборат:

Рағбатлантириш ва жазолаш усуллари:

1. Ишонч билдириш	1.Танбех бериш
2.Истиқбол кўрсатиш	2.Огохлантириш
3. Совға бериш	3.Хайфсан бериш
4.Мақтov ёрлиғи бериш	4.Уялтириш
5.Қўллаб қувватлаш	5.Мажбурлаш
6.Маъсулият ва жамоанинг миннатдорчилик курсатиш	

Бу усуллардан фойдаланиш хусусиятларига алоҳида эотибор бериши лозим.

3.Бошланғич мактаб ўқувчиларини тарбиялашда рағбатлантириш ва жазолаш методикаси.

Ўқувчи болаларнинг хар бири ўсиб, улғайиб, камол топиб бораётганидан хурсанд бўлаётганини сезиш керак. Фақат шундагина бола ўзининг олға силжиб бораётганини сезиши керак. Бораётганини кўра билади, ўз кучига ишонади, унга қулоқ солишади, у жамоага керак, ўқитувчини қизиқтиради. Бунга эришиши учун рағбатлантириш усулидан фойдаланиш лозим.

Рағбатлантириш ва жазолаш усулида ўқувчи шахси эмас, балки айни вақтдаги хатти-харкати, қизиқишлиар, боланинг индивидуал хусусияти, ходиса юз бераётган вазият, сабаб-оқибатлар назарда тутилади. Рағбатлантириш ҳам, жазолаш ҳам қанча тез қулланилса, шунча таъсир камайиб кетади. Рағбатлантириш ва жазолаш ёлғиз ўқувчига ёки синфга ёхуд мактаб жамоасига қўлланиши мумкин. Айрим олинган ўқувчиларга қўлланилганда салбий томонларининг ўзига ва жамоага келтирадиган зарари хисобга олинади.

Рағбатлантиришнинг ёзма, оғзаки имо-ишоравий шакиллари қўлланилади. Имо-ишоралар билан бошни қимирлатиб, табассум ва юз-кул харакатлари билан мақуллаш, «баракалло», «кўп яша», «рахмат», «азамат» сўzlари билан мақуллаш ёки ёзма равишда мақуллаш шакиллари мавжуд.

Мукофотлар ҳам турли туман бўлиши мумкин.

Мукофотнинг моддий шакиллари, ўкув қуроллари, театр, цирк ёки кинога билет, дам олиш лагерига, спорт ўйин қуроллари (тўп, шашка ва шахмат) ракета ва бошқа, саёхатларга йўлланмалар, пул мукофот, мақтov қофози ва бошқалар. Мукофотлар ўқувчиларга ўқитувчилар ва ота-она иштироқида тантанали вазиятда берилади.

Мукофотлаш жуда маъсулиятли иш, бу ерда ночорлик, холисоналик, атрофлича фикр тўплангалик, вақтини билишлик талаб этилади.

Тарбия жараёнида мажбурлаш ва жазолаш ҳам катта аҳамиятга эга.

Машхур шарқ муттафакири ал-Фаробий ўқувчиларни уч гурухга бўлади. Бир қисми топшириқни мустақил ўзлаштириб кетадиганлар, иккинчи гурух турли кўрганзмали қилиб ўқитиш талаб қилаадиган ўқувчилар, учунчи гурухни эса мажбурлаб ўқитиш кераклигини уқтиради. Жазо ўқувчиларни ёмон салбий қиликлар салбий харакатлар, одбизликлардан

сақлайдиган усуллардан хисобланади. Шу билан бирга, йўл қўйган баҳоси учун текшириш, бақириш, қоралаш, ўқувчини асабийлаштиради. Ўқувчилар асабийлашиб турганда насиҳат ҳам пайш, мах таъсир қилмай қолади. Шунинг учун ҳам ўқувчлар тинчланган пайтда насиҳат қилган маъқул.

Мактаб жазо чоралари ўқитувчилар ва маъмуриятининг оғзаки танбехи, синф ўқувчиларининг ўртасида огохлантириш чораларини кўрсатиш мумкин.

Ўқувчиларнинг уялиши, қизиқиши, унинг йўл қўйган хатони тақрорламаслигига сабаб бўлиши лозим. Аммо уялиш ҳамма вақт ҳам тавба қилишга келавермайди. Ўқувчи бошқалар олдида уялмаслик учун ножўя характеристарни яширо бошлайди, пинхон, писмиқ иш тутади. Бу хол эса ўз навбатида икки юзламачиликка олиб келади. Уялтиришни тадбир сифатида тишлатилганда иложи борича ўқувчилар характеристини ёш хусусиятларини хисобга олиган маъқул.

Хар қандай рағбатлантириш ва жазолаш педагогик талабларини хисобга олган холда, қўлланиши лозим. Яни, бу сусуллар хақиқий хизматга мувофиқ бўлиши, кетма-кет бўлмаслигига, хаддан ошириб мақташ (огохлантириш), бошқа ўқувчиларга таққослаб, уларни камчилигига йўл қўймаслик, рағбатлантиришга бўлган талабчанликни бўшаштирмаслик (оширтирмаслик) вахаказо. Жазо чораларини қўллашда жисмоний жазо уруш, қалтаклаш мумкин эмас, болани қўрқитиши, ғазаблантириш хма яхши натида бермайди, ўқувчи қўрққанидан ёлғон гапиришга уринади, икки юзламачи булиб қолади.

Жазо яхши ўйлаб қўлланиши лозим, қизиқ устида тинимсиз жазолаш ҳам мумкин эмас, жазолар якка характерли ва яни битта бўлсин, ўқувчиларнинг айбига мос, мувофиқ бўлсин, тез-тез қўлланилмасин ва улар ўз айбларини сезсинлар.

Жамоада мухокама қилиш ва у томондан қўллаб қувватланган жазо берилса, унинг таъсир кучи яна ошади. Барча холларда ҳам жазо тарбияланувчининг жисмоний ва руҳий азоб оқибатларга, солмаслигини уни таросирламаслиги, танини бузмаслиги керак.

Тарбиянинг мувоффақиятли қўлланишига, бу восита маскур синф жамоасининг тарбия тизимидан қанчалик ўрин олганига, қўлланилаётган тарбия воситалай ва усуллари қўйилган тарбия вазифалари ва мақсадларига қанчалик жавоб беришга боғлиқдир.

Таян иборалари.

Тарбиялашда рағбатлантириш ва жазолаш, уларнинг мохияти; рағбатлантириш усусллари, жазолаш усуллари, уларни қўллаш хусусиятлари

10 МАВЗУ: БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ. ТАРБИЯ НАТИЖАЛАРНИ ЎРГАНИШ ВА ТАХЛИЛ ҚИЛИШ

РЕЖА:

1. Тарбиявий ишларни ривожлантиришнинг аҳамияти.
2. Режалаштириш турлари ва қоидалари.
3. Бошлангич синф ўқитувчиларининг тарбиявий ишини ривожлантириш ва хисобга олиш.
4. Бошлангич синфда тарбиявий тадбирни тайёрлаш методикаси.
5. Тарбия натижаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, уларнинг аҳамияти.

1. Тарбиявий ишларни ривожлантиришнинг аҳамияти.

Тарбияданкўзланган мақсад, хар томонлама маънавий ривожланган ақлий ва ахлоқий баркамол шахсни шакиллантиришдан иборат. Шунга кўра фаолиятнинг мазмуни, ташкилий шакиллари ва усуллари шу мақсадга эришишни кўзда тутади.

Бошлангич таълим мактабининг асосий вазифаси-шахснинг ақлий, ахлоқий ва жисмоиний ривожланиши, қобилиятларини хар томонлама камол топтириш, имкони борича қулай шароитлар яратишдан иборатdir. Шунингдек ўқувчиларда миллий ғуур ва миллий ахлоқ-одобни шакиллантиришни кўзда тутади.

Тарбиявий иш маълум мақсадни кўзловчи ва узлуксиз давом этадиган жараёндир.

Шахсни шакиллантириш манфаатлари ҳар бир педагог тадбирини тарбиянинг умумий мақсадлари билан боғлаш, уни режали тарзда ва қатий суроатда умумий мақсадлари билан боғланишни, уни режали тарзда ва қатоий суратда амалга оширишга харакат талаб этади.

Тарбия яхлит тизимли ёндашиш тарбия педагогик харакаттининг пировард натижасига йўналтирилганлик белгилаб беради. Бунда педагогик мақсад ва вазифалар, унинг мазмуни ва қоидалари тарбиявий жараённинг барча қатнашчилар томонидан тан олиши шарт.

Мактабда, аввало, тарбия жараёни доимий назоратда бўлиши керак, ўқитувчининг тарбия таъсирлари тизими эса узлуксиз бўлиши шарт.

Шу нуқтани назардан режалаштиришнинг аҳамияти шартсиз мухимдир.

2. Режалаштириш турлари ва қоидалари.

Тўғри тузилган иш режаси хар қандай хатонинг олдини олишга, илгари йўл қўйилган хато ва камчиликларни тугатишга ёрдам беради. Шунингдек, у мактабда тартиб интизомни тўғри йўлга қўйишда алохида аҳамият касб этади.

Бошланғич таълим мактаблари шартли равища қабул қилинган иш режалари мавжуд.

Улар қуидагилар: 1.Мактабнинг маълум истиқболи даврига мулжаллаб тузиладиган иш режаси. Буни мактабнинг истиқбол иш режаси деб аталади

Бу иш режаси умуммактаб режа асосида тузилади. Бунда мактабнинг маълум давридаги ривожи турли рақамлар асосида кўрсатилади.

2. Мактабнинг бир ўқув йилига мўлжаллаб тузиладиган келендар иш режаси.

Мазкур режамактабнинг истиқбол иш режасининг жорий ўқув йилига тегишли бўлган қисми ҳамда олдида турган вазифаларни хисобга олган холда тузилади. Мактабнинг бир ўқув йилига мўлжалланган иш режаси мактаб иш турлари асосида ишланади.

3. мактабнинг жорий иш режаси. Мазкур режа мактабнинг бир ўқув йилига мўлжаллаб тузилган иш режаси асосида ишланади. Бу режа туркумига:

- Мактаб директори бошланғич синф бўйича ўринбосарининг бир ўқув йилига мўлжаллаб тузадиган иш режаси;
- Бошланғич мактаб бўйича ташкил этилган методик, бирлашманинг иш режаси;
- Синф ўқитувчиларининг фанлари бўйича ва тарбиявий иш режаси.

Режани тўғри тузиш билан иш битмайди. Ишнинг муваффақияти иш режани қандай усулда амалга оширишга, унда белгиланган тадбирларни хаётга тадбиқ этиш маҳоратига кўп жихатдан боғлиқдир.

Бошланғич мактаб режаларини амалга ошириш қуидагилар мухим аҳамият касб этади:

1. Юқори ташкилотлар, халқ таълими бўлимлари ва мактабга яқин бўлган турли муассасалари билан мустахкам алоқа ўрнатилганлиги;

2.Бошқариш ва раҳбарлик қилиш ишга ўта халол билимдон, ишбилармон, яхши маъмурий қобилиятга эга бўлган педагог одимлар жалб этилганлиги;

3.Кадарлар ўртасида иш тақсимотини тўғри тақсим, ташкил этилганлиги:

4.Рахбар ходимлардан тартиб энг қуий ижрочига умуман режадан келиб чиқадиган шахсий иш режани тузиб, шу асосида иш юритиш;

5.Бошланғич мактаб завучнинг иш режаларини бажарилиши юзасидан самарали ҳамда узлуксиз назоратни ўрнатганлиги.

Ўқитувчи-мактабдаги бош сиймо. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам бошланғич мактабнинг иш режасида ўқитувчилар жамоасидаги кучларни шундай тақсимлаш кракки, уларнинг хар бир топшириқларини бажаришга бутун куч ва ғайратини сафарбар этиш имкониятига эга бўлсин. Худди шу жихатдан мактабнинг тарбиявий иш режалаштиришда қуидаги учта шартга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ишнинг бошланғич ахволини чукур педагогик таҳлил қилиш йўли билан, яни иш режалаштирилаётган пайтда педагогик жараён тавсифини аниқ билиш.
2. Ишнинг режалаштириш охирида ўқувчиларга берган тарбиянинг даражасини аниқ тасаввур қилиш.
3. Бошланғич мактаб ишини хозирги кун талаблари даражасига кутармоқ учун шунга имкон берадиган педагогик воситаларни энг мақбул.

Бундан ташқари, бошланғич мактаб ишини режалаштиришда ахдларга риоя қилишнинг аҳамияти каттадир. Режалаштириш қоидалари қуидагича изохланади.

Илмийлик қоидаси бу ҳал қилувчи омилдир. Режалар мавжуд ахволни чукур илмий таҳлил қилиш, рўй бераётган жараёнларни тушуниш асосида, педагогика, психология ва социология фанлари соҳасида эришилган ютуқларни хисобга олган холда тузилиши лозим.

Демократик қоидаси. Ҳалқ таълими тизими юзасидан тузилган режа режа бошланғич мактабни ривожлантириш, унга раҳбарлик қилиш юзасидан тузилган режаларнинг ҳаммаси илмий-методик ва умумий педагогик йўналишда бўлиб, режалаштиришдаги демократиу эса, режанинг дидуктив асосида тузилишгина эмас, балки шу билан бирга уни педагоглар жамоаси иштирокида ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда мазкур мактабпедагоглар жамоасининг фаол қатнашувини ҳам назарда тутади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, бошланғич мактабни ғошқариш пухта тузилган режа билан боғлиқдир. Режа эса мактаб жамоаси билан ҳамкорликда тузилади ва мактаб таълим-тарбия ишларни йўлга қўйишига, ривожлантиришга ёрдам беради. Зотан бу мустақил давлатимизнинг ҳалқ таълим тизими олига қуйиладиган талабларни тўла-тўқис амалга оширишда мухим аҳамият касб этади.

3.Бошланғич синф ўқитувчисининг тарбиявий ишини режалаштириш ва хисобга олиш.

Синф билан қиррали тарбиявий ишни муваффақияти кўп томондан уни режалаштиришнинг сифати билан боғлиқ.

Синфи мурабийнинг иши келажакка интилиш фаолияти. Унинг иш режаси фақат-ўқувчилар ривожланишининг асосий даврларини кўзда тутади, унинг моҳияти эса жамоа ҳар бир ўқувчининг шакилланиши ва ривожланиши олдиндан мўлжалланган синф раҳбарлар мактабнинг мақсад ва вазиқаларини аниқ тасаввур қилишини, шахснинг психик ривожлашинининг қонуниятларини билишни, болаларни тарбиялашнинг усул, шал ва воситаларини эгаллашни талаб қиласди.

Олдиндан кўра билиш-тарбия фаолиятининг натижаларини ўзига равшан ва аниқ тасаввур қилиш, тарбиянинг самарадорлиги мезонларни яхши билиш керакдир. Шунинг учун ҳам синф билан ишларни режалаштиришга киришар

экан, синф мураббийси фақатгина ўзининг тактикасини ўйламасдан балки тарбия стратегиясини ҳам чуқур англаб этади.

Режани тузишда унга қўйиладиган асосий талабларни хисобга олиш лозим:

- Тарбиявий максад-вазифаларнинг тўғри ва аниқлиги;
- Режани деталлаштирилган ва қисқалиги тадбирлари, ўқувчи фаолиятини билим ва уюштиришни оптимал қўшиб юбориш;
- Ишнинг белгиланган турларидаги истиқболлик ва долзарбликни қўшиб юбориш;
- Педагогик раҳбарлик ва ўқувчилар фаолликнинг бирилиги;
- Синфдаги ишларнинг мактабдан ташқари ишлар билан алоқаси;
- Ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини, болаларнинг тарбияланганлик даражаси ва уларнинг хаёт шароитларини хисобга олиш;
- Режанинг бошланғич мактабнинг бошқа режалари билан мутаносиблиги;
- Тарбиявий ишларни ўкув чорагина режалаштирилган мақул.

Ўқитувчи мактабдаги бош сиймо бўлиб, ўз ишини янада такомиллаштириш мақсадида доимо уни тизими равишда режалаштириш ва тахил қилиш керак.

Бошланғич синф ўқитувчиси ўз функциялари нафақат дарслар жараёнида, дарсдан бўш вақтда бажаришади. Хусусан, ўқитувчининг синф раҳбари сифатида ишдаги муваффақияти кўп жихатдан унинг режалиги ва мунтазамлигига боғлиқ.

Бошланғич синф ўқитувчисининг тарбиявий иш режаси қўйидаги йўналишлардан иборат бўлиши мумкин:

- 1-ўқувчиларни доим ўрганиб бориш;
- 2-ўқувчилар жамоасини уюштириш ва шакиллантириш бўйича тадбир ўтказиш;
- 3-синф болаларни хар томонлама ривожлантириш мақсадида харакат қилиш;
- 4-ўқувчиларнинг ота-оналари билан ҳамкорликда иш олиб бориш;
- 5-синф болалари билан, айниқса тарбияси оғир болалар билан индивидуал ишлаш ва бошқалар.

Бундан ташқари, синф болаларни тарбиялашда ўқитувчи бир неча мухим вазифаларга алоҳида аҳамият бериши керак:

- А-болар соғлигини мустахкамлаш, жисмоний тарбиялаш;
- Б- болаларда миллий ва умуминсоний хислатларни, истиқтол фоясини шакиллантириш;
- В-ўқувчиларда илмий дунёқарашни, ижтимоий хаёт тажрибасини шакиллантириш;
- Г-болаларни ахлоқ-одоб тарбияси;
- Д-хуқуқий тарбияси;
- Е-экологик тарбияси;

Синф раҳбарининг асосий календар режаси қўйидаги шаклда тузиш мумкин:

T\p	Иш йўналишилари ва мазмуни	Муддат	Масоул шахс	Изохлар

Шу реанинг асосида бир ойлик ёки бир чораклик календар режа тузилади (режа-жадвал). Буларни биз амалий машғулотларда алоҳида қўриб чиқамиз.

4. Бошланғич синфда тарбиявий тадбирни тайёрлаш методикаси.

Ўқитувчининг истикбол ва жорий иш режалари тадбирлар орқали амалда қўлланилади. Шунингдек педагогика ва психолого-педагогика нуқтаи назардан ҳар қайси тадбирни тўғри режалаштириш ва тайёрлаш жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Тарбиявий тадбирларни (дарсни) режалаштириш ва тайёрлаш қўйидаги босқичдан иборат бўлиши мумкин. Бу ишлари ўқитувчи болалар ёки ота-оналари, бошқа тарбия жараёнининг қатнашчилари билан ҳал қиласиди.

Биринчидан, тадбирнинг мавзуси ва номи аниқланади.

Иккинчидан бу тадбир шаклда ташкил этилади(учрашув ёки кўрик танлов, йигилиш ёки эрталабки байрам ва х.к.).

Учинчидан тадбирнинг режаси ва дастури (сценарийси) тузилади.

Режада тадбирнинг бориши ҳақида қисқа маълумот берилади, бундан ташқари тадбирнинг тайёргарлиги ҳақида кимга, қайси топшириқлар берилади, ким нимага масоул бўлади, қачон репитиция ўтилади ва бошқа маълумотлар ёритилади.

Дастурда эса тадбирнинг номи, шакли, мақсад вазифалари кўрсатилади ва тадбирни тўлиқ сценарийси ёритилади: олиб борувчиларнинг сўзлари, шеорлар, ашуллалар, рақслар ва х.к. тадбирни тайёрлаш жараёнида режа ва дастур ўзгариши мумкин, чунки бу жараён қўп омилларга ва холларга боғлиқдир: саҳнанинг безатишга, мусика, свет, плакатлар, гуллар, қатнашчиларнинг имкониятларига ва б.

Тадбирнинг самарадорлиги уни ўтказишдан сўнг тахлилда аниқланади.

5. Тарбия натижаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, уларнинг аҳамияти.

Тарбия узоқ муддатли, мураккаб, узлуксиз жараён бўлиб, тарбиячи-ўқитувчидан изчиллик ва давомийлик, ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини, тарбия усувлари ва шаклларини тўғри тайинлашни талаб қиласиди.

Бу қоида эса, ўз навбатида ўқитувчидан тарбия натижаларини ўрганиш ва таҳлил қилиши ҳам талаб қиласиди.

Тарбия натижаларини, энг аввало, тарбия ишлари бўйича директор муовини ва бошланғич синфлар бўйича директор муовинлари томонидан ўрганишлари шарт.

Иккинчидан, бу ишлари бирга ишлаётган ўқитувчилар ўрганишлари зарур.

Учинчидан, шахар, туман, халқ маъориф бўлимининг методистлари ва инспекторлари томонидан мактабларда тарбиявий ишлар натижаларини ўрганиш муҳим вазифасидир. Тарбия натижалари ўқувчилар ахлоқ-одобига ўқишига ва меҳнатга муносабатига жамоада шахслараро алоқаларига боғликдир. Уларни ўрганиш ва ҳисобга олиш усуллари:

1. Тарбиявий тадбирларга қатнашиш ва тахлил қилиш.
2. Метод бирлашма йиғилишларида тарбия, дастурлари, сценарийларини мухокама қилиш
3. Ўқитувчи синф раҳбарларининг мактаб педагогик Кенгашининг йиғилишларида вақти-вақти билан ўз тарбиявий фаолият ҳақида хисобт бериш ва бошқалар.

Бошланғич синф ўқитувчисининг тарбиявий ишларини натижаларини ўрганишда ва баҳо беришда биз нимага аҳмият беришимиз лозим?

- 1.-ўқувчиларнинг ахлоқ-одобига, уларнинг заро муносабатларига;
- 2-уларнинг фаоллигига, барча синф ва мактаб миқёсида ўтказилган, тадбирларда қатнашишлиги;
- 3-тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги ўзаро ишонч ҳамкорлик асосида шакллантирилган муносабатларига;
- 4-болаларнинг ижтимоий ишларида мустақиллик даражасидаги ва хоказо. Буларни биз семинар ва амлий машғулотда алоҳида куриб чиқамиз.

Бошланғич синфда тарбиявий ишнинг асосий ташкилий шакл-тарбиявий соат (дарс)лар, лекин унинг турлари хилма-хил бўлиши мумкин, эртаклар учрашув, курик – танлов, сұхбат, ўйин, сиртқи саёҳат, оғзаки журнал ва мавзудаги кечалар, туристлик саёҳат ва бошқалар.

Тарбиявий ишини самарадорлигин янада ошириш мақсадида ўқитувчилар ўзини ишини ва бошқаларнинг тадбирини расмийлаштириш ва тахлил қилиш зарур. Тарбиявий тадбирни педагогик тахлили таркиби қўйидаги булиши мумкин:

1. Умумий марлумотлар: сана, мактаб, синф, ўқитувчилар ва тадбир мавзуси;
2. Ташкил этиш шакли (сұхбат, тематик кеча, давра сұхбат, курик танлов ва бошқалар)
3. Мақсад ва вазифалар.
4. Тарбиявий тадбир режасининг сифати.
5. Ўқитувчининг тадбирга тайёргарлиги, унинг роли, ўз-ўзини тувиши, нутқ техникаси.
6. Ўқувчиларнинг тадбирга тайёргарлиги.
7. Болаларни активлаштириш усуллари ва воситалари.
8. Тадбир давомида қайси тарбия принципларида амалда қўлланилади.

9. Тадбир болалар шахсининг қайси фазилатларининг шаклланишига ёрдам беради.
- 10.Хулоса: ижобий ва салбий томонлари, камчиликларини йўқотиш йўллари. Умумий баҳо.

Шундай қилиб, тарбиявий таъсирларнинг уйғунлиги узлуксизлиги ва давомийлиги қоидаси режа орқали амалга оширилади. Тарбиянинг натижаларини ўрганиш ва тахлил қилиниши эса тарбиянинг истиқболига асоси бўлади.

Таянч иборалар

Режа, унинг турлари (жорий. истиқбол). Тарбия натижалари, уларни ўрганиш ва баҳолаш мезонлари, тахлил қилиш схемаси.

11 МАВЗУ: БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ИНДИВИДУАЛ ИШЛАР МЕТОДИКАСИ

РЕЖА:

1. Тарбиялашда болаларга индивидуал ёндашишнинг аҳамияти.
2. Бошлангич синфлада индивидуал ишларнинг ўзига хос хусусиятлари ва асосий йуналишлари;
3. Индивидуал ишларни такомиллаштиришнинг педагогик ва психологик шарт-шароитлар.

1. Тарбиялашда болаларга индивидуал ёндашишнинг аҳамияти.

Тарбия назариси- педагогика фанинг бир қисми бўлиб, тарбиявий жараённинг мазмуни, усул ва ташкил этилиши масалаларини ўрганади. Тарбия жараёнининг моҳияти шу жараён учун характерли булган ва муайян қонуниятларда намоён буладиган ички алоқа ва муносабатларни акс эттиради.

Тарбия жараёнида кишининг турли қобилияtlари ривожланади, гоявий, ахлоқий, иродавий, эстетик хислатлари шаклланади, табиатга, жамиятга илмий қарашлар тизими таркиб топади, жисмоний куч-куватлари мустажкамланади.

Тарбиявий жараённи яхшилаш, уни давр талабига жавоб берадиган холда келтириш учун деярли барча қоидаларни, усулларни, гояларни қайтадан кутариб чиқишимиз, бола шахсига эотиборимизни қаратишимиз, йиллар давомида тупланган ижобий тажрибалан унимли фидаланишимиз зарур.

Ўқитувчи тарбиявий фаолиятида янгича ёндашув каш қилмғи лозим. Бунда тарбиячининг ўзи замонавий педагогиктехнологияларнинг яратишда, шахсни тарбиялашнинг аноанавий, самарали усулари танлашда ижодкор бўлиши шарт. Наоанавий ёндашув натижа сифатида бола фаолиятинг муайян ижтимоий андазасини тарбиялаш назарда тутилган.

Тарбиячи тарбиялаш жараёнида болаларга индивидуал ёндашиши ҳам катта аҳамиятга эга. Чнукি болалар ўзларининг талаб ва қизиқишлиари, одат ва сезгилари, тасаввур ва тушунчалари, хаёлий фаолиятлари, диққат эотиборлари, тиришқоқлмиклари ва бошқалар билан бир-бирлари билан фарқ қиласидилар. Улар орасида турли куринишдаги камчиликлар; дудук, кузи язиши курмайдиган, кулоғи яхши эшитмайдиган, овози хаста, хотираси паст, шунингдек тарбияси оғир улгурмовчи бундан ташқари иқтидорли болалар ҳам учрайдилар.

Ўқитувчи-тарбиячиларнинг вазифаси-болалардаги ҳамма ижобий майл ва интилишлари ўз вақтида англаш, уларни камол топтириш; салбий сифатларини йуқоиш; истеодод ва қобилиятлари ривожлантириш, камчилик ва нуқсонларини тиббиёт ходимлари ёрдамида йуқотиш, таълим тарбия ишига тусиқлик қиласидиган томонларини йуқотишдан иборатdir.

2.Бошланғич синфларда индивидуал ишларнинг хусусиятлари ва асосий йуналишлари.

Индивиуад ендашув -бу яккама-яка, алоихида ендашувлар. Ўқувчиларнинг хулқ атвори, шахсий фазилатларидан келиб чиқиб, ўз кучларига қараб топшириқ бериш, оилада олган тарбиясига асосланган холда педагогик таъсир курсатиш даркор.

Тарбияси оғри ва улгурмовчи болалар билан дасдан кейин олиб қолиб ишлаш, уйга бориши, ота-онаси билан сухбатлашиш, оилавий шароитларини урганиш ва уларга ёрдам бериш керак.

Бундан ташқари синфда иқтидорли болалар ҳам булади. Бунинг учун ута зехнли, қобилиятли маҳсус психологик тестлар ёрдамида синалади. Улрага имтиёзли шароитлар яртатиб бериш керак.

Тажрибалирдан маълумки, бошланғич синф ёшидаги болаларнинг талаб ва қизиқишлиари одат ва сезгилар, тасаввур ва тушунчалари, хаёлий фаолиятлари, диққат эотиборлари, тиришқоқлмиклари ва бошқа жихатлари борасида бир-бирларидан фарқ қиласидилар.

Кичик мактаб ёшида бош мия анатомик структурасининг янада шаклланиши кузатилади. Ўқиши унинг функцияларини ривожланишига кучли омил ағишлийди. Жумладан предмет-образли тафаккурдан секин -аста мавхум, изохли-мантиқий сари утиш учун шароит туғилади. Лекин, баридир ўқитувчи ёш ўқувчи ҳамма нарсадан ўзиниг шахсий хиссий тажрибасига, хусусий тассуротларига, билимларига, хаётга яқинроқ таянч изланишини унитмаслиги керак. Шу сабали боланиг фикрини нарсалар ва ходисаларнинг қонуниятли тарзда боғлиқлигини идрок этишга йуналтириш мақсадида бевосита таъсир қиласидиган обьектларни танлаш жуда муҳимдир.

Юқори курсатилган хусусиятларни хисобга олган холда бошланғич синф болалари билан олиб бориладиган индивидуал ишлар қуйидаги асосий йуналишлардан иборат бўлиши мумкин:

1. Улгурмовчи болалар билан ишлаш;
2. Тарбияси оғир болалар билан ишлаш;

3. Қтидорли болалар билан ишлаш;
4. Барча синф ўқувчилариға индивидуал ёрдам бериш;

а) Улгурмовчи болалар билан ишлаш методикаси;

Синф жамоада нафақат «аоло» ва «яхши» баҳога ўқиганлар албатта, улгурмовчи болалар ҳам булади. Уларни, аввало, ажратиб олиш керак. Бу ишларда ўкувчининг биринчи босқичда:

1. Дарсларда ва дарслардан бўш вақтларда кузатишларни олиб бориш;
2. Ёзма назорат ишларнинг натижаларини тахли қилиш;
3. Улгурмовчи болалар ва ота-оналар, бошқа ўқитувчилар билан сухбатларни ўтказиш каби усувлардан фойдаланилади.
4. Кейинги босқич-бу болаларнинг улгурмас сабабларини аниқлаш, чунки фақат туғри келинган диагноз самарали натижа бериши мумкин. Бу мақсадга мувофиқ ўқитувчи улгурмовчи болалар оиланинг моддий шарт-шароитларни, психологик мухитни ва ота-оналарнинг болаларга муносабатларини ўрганади ва маҳсус анкета саволлари ҳамда педагогик ва психологик диагностик тестлар орқали олдинги натижалари аниқлаб беради.
5. Бундай кейин ўқитувчи хар қайси улгурмовчи бола билан индивидуал ишларни алоҳида ишлаб чқсан режага асосланиб олиб беради. Бу режа буйича улгурмовчи болалар бироқ синфдошини боғлаб қўйиш; қўшимча уларнинг шахсий психологик жараён (хотира, дикқат, хаёл, қабул қилиш ва сезгилар, фикрлаш ва х.к.) ларни ривожлантириш машқларини ўтказиш; зарур мавзулардан маслаҳат (консултация) ўтказиш зарур.

Вақти-вақти билан улгурмовчи болаларнинг ўкув фаолияти ва унинг натижаларини тахлил қилиб, улар учун тузилган режаларни ўзгартириш (коррекция қилиш) керак.

Улгурмовчи болалар билан ишлашда бошланғич синф ўқитувчига албатта бу болаларнин ота-оналари, опа-акалари, ўртоқларининг ёрдами зарур, чунки бу ишларнинг муваффақияти энг аввало атрофдаги мухидга боғлиқдир.

Бундан ташқариш ўқитувчи улгурмовчи болаларда ўқишига ижобий муносабати шакллантириш шарт, булмаса ҳамма ишлар бекорга айланади.

Синф жамоасига улгурмовчи болаларга қандай муносабат, қанақа ижтимоий фикр-катта аҳамиятгаша эга экандир.

Шунингдек ўқитувчи психолог ёрдамида жамоатдаги фикр туғри йулга йуналтириб бориш керак, ва улгурмовчи болаларнинг ютуқларни мустахкамлаш мақсадида тез-тез уларни барча болалар оиласда рағбатлантириш зарур.

- 6) Тарбияси оғир болалар билан ишлаш методикаси.

Болалар, айниқса кичик мактаб ёшининг бошида, улар учун қизиқарли булмаган ишдан ҳам тез зерикади, бевосита таъсир булмаган материалга дикқат қилишни қийин булади.

Кичик ўшдаги ўкувчига жадвал харакат активлиги хос бўлиб, бу активлик унинг ўз хулқий атворни етарли даражада идора қила булмаслиги билан қушилиб, купинча таъсирга берилувчанликни, ўзига тута билмасликни келтириб чиқаради.

Бундан ташқари Баъзи та-оналар томонидан эотиборсиз қолиб, салбий таъсир қиладиган кичик гурӯхга аозо бўлиб, шу билан тарбияси оғир болалар қаторига киритилади. Бундай болаларнинг тарбияси оғирлигини сабабини аниқлаш -энг биринчи вазифасидир. Бу вазифани бажаришда ўқитувчи оиласа бориш, унинг психологик муҳид ва оиласавий муносабатларни, оиласинг турмуш (хаёт) тарзини ўрганиш бундай психологик тест, анкета, сухбат усулаидан фойдаланишнинг аҳамият касб этади. (Мислон учун С.Т. Шатскийнинг «Сиз фарзандингизни яхши биласизми?» анкетаси, социометрия ва бошқалар).

Тарбияси оғир болалар билан индивидуал ишлар қуйидаги йуналишлардан иборат булади; а) болар билан яккама-якка ишлаб, унинг ўкув ўйин, меҳнат ва ижтимоий фаолиятини ташкил этиш; б) унинг атрофини микросоци-умумини яхшилаш мақсадида энг аввало ота-оналари билан ишлаш керак, ҳамда бу болаларинг ўртоғлари билан албатта алоқада булиши шарт; в) бола жамоадаги ишларга (мусобақа, эрталиклар саёҳат ва бошқалар) жалб қилиш, шу ишлар орқали уларнинг хулқ атворини коррекция қлиш зарр.

Лекин бирорта бола ҳам ўз тарбияси оғирлигини билмаслии даркор, чунки ша ўшларда болалар тарбиявий таъсирни нафақат ижобий, салбий ҳам қабул қилиш мумкин.

Ундан ташқари, унақа болалардан нафақат салбий ижобий сифатлари ҳам бор, уларни излаб топиш ва уларга асосланиб тарбия ишларини олиб бориш керак.

Ўқитувчи доимо-ота-оналарига уларниг боласи туғрисида ёмон гапирса, ҳамкорлиқда иш олиб бориш қийин булад. масалан, битта 4-синфдаги В деган ўқувчи ёмон ўқиган, дарсларни қолдирган, қизларни ўрган эди. Бу ҳақда ўқитувчи хар хафтада отаж-онасига айтиб борар эди. Бундан кейин отаси ўз боласини жазоллаб ўрган эди. Бола эса тез-тез хар ойда 1-2 марта уйлан қочиб кетган эди.

Шунингдек ўқитувчи тарбияси оғир болалар билан ишлашда уларнинг ота-оналари шерик булиши керақ, синфдошларини ҳам ўзига шерик қили, уларниг ёрдамида шу болаларга туғри муносабатини ва муҳитни шакллантириш зарур.

В) Тқтидорли болалар билан ишлаш методикаси.

Бугунги вақтларда бошланғич синфларда иқтидорли болаларни излаш, уларни ривожлантириш ўқитувчининг муҳим вазифасидир, чунки улар кейинги синфларда жамоанинг таянчи булади. Ҳаммага маълумки, хар қайси ўқувчи қобилиятга эгадир, лекин қобилиятлар ҳаммада бир хил эмас экан. Шунинг учун биринчи босқичда зқитувчи синф ўқувчилариниг умумий

ўрганишнинг натижаларини тахлил қилиб улардан қобилиятли, иқтидорли, истеододли болаларни ажратиб боради. Бу ишнинг усуллари қўйидагича:

1. Дарсда кузатиб бориш:
2. Ўқув меҳнат ва ижтимоий фаолиятининг натижаларини ўрганиш:
3. Махсус топшириқ ва вазифа бериб, уни бажаришда боланинг кузда тутилган қобилиятларини ўрганиш;
4. Педагогик ва психолгик анкета ва тестлардан фойдаланиб (масалан, «Мен афзал кураман», социометрия ва) ўқувчиларнинг талаб ва қизиқишилари, эҳтиёж ва қобилиятларини ўрганиш:
Буларнинг натижаларини тахли қилиб, ўқитувчи ўқувчиларнинг қизиқишиларин, имкониятларини, психологик жараёнларинин хусусиятларини, мустақил фикрлар олишнинг даражасини аниқлаш керак.
5. Кейинги босқич-иқтидорли болаларнинг қобилиятларини ривожлантириш мақсадига мувофиқ улар билан махсус мақсадга қаратилгна ишларни ташкил қилиш:
 - а) тугарака, спорт секцияси, еш мичуринси ёкиёш шоирлар, ишбилармон ва иқтисодчилар ва бошқа турли хил уюшмаларнинг ҳамда мактабдан ташқари таълим-тарбия муасссалар фаолиятига жалб қилиш:
 - б) вақти-вақти билан уларни кузатиб бори ва диагностика ўтказиш:
 - в) иқтидорли боларга ота-оналар ёрдамида яхши шароитларни яратиб бериш.

Бундан ташқари, иқтидорли болалар билан ишлашда ўқитувчи мактабдан ташқари, муассасалар ходимлари билан ҳамкорлигига булиши керак, чунки мактабнинг имкониятлари чексиз эмас, аммо дарсадан бўш пайтларда болалар бемалол болалар ва ўқувчилар уйларга, маданий марказларга, кутубхоналарга, мусиқа ва спорт мактабларига бемалол қатнашишлари, майли ва интилишлари, эҳтимол ва ақл заковатларини ривожлантирадилар.

Имконият топилса, иқтидорли болаларни махсу таълим муассасаларига йуналтириш зару. Масалан, хар қайси туман - шаҳарларда янг типдаги муассасалар ташкил топган: боғча-гимназия, лицей, коллеж, махсус синфлар, қанчалик ўқитувчи ўз синфдаги болалрни чуқур ўрганилса, шинчалик тезда хар қайси боланинг шахий хусусиятлари ва қобилиятлари ривожланади.

Шу билан биргаликда, юкоридаги кўрсатилган ўқувчилар билан олиб борилган индивидуал ишларнинг учта йўналишларидан ташқари, хар қайси болада ўқишида ёки меҳнатда, ўз-ўзини тарбиялашда, мулоқотда ёки йуинларда, оиласда ва маҳаллада муммо тубилиши мумкин. Бунда индивидуал сухбат қуи мавзудаги жуда ўринли булар эди. Дарсларга қандай тайёргарлик куриш мумкин?» «Ота-оналар билан, ёки катталар билан қандай мулоқот туғри булади?» «Синфдошлар билан тўғри мулоқот қлиш ҳақида, қобилиятларини аниқлаш мумкинми?» «Мен афзал кураман! » ва хоқазо.

3.Индивидуал ишларнинг тақомилаштиришнинг педагогик ва психолгик шарт шароилари.

Бошланғич синф болаларни тарбиялашда уларнинг индивидуал хусусиятларини хисобга олиш қоидасини амалда қуллаш мақсадида ўқитувчи бу ишларни тақомиллаштиришнинг умумий шарт-шароитларини билиши шарт.

1. Барча ўқучилар билан индивидуал ишлашда педагогик ва психолгик диагностикада коррекция ишларини ташкил этиш, унда психолог ёрдамида фойдаланиш (масалан, мактаб психологи Республика ташхис марказидан олган методикалардан фойдаланиб, ёрдам бериш мумкин.)
2. Диагностика натижаларини чукур ўрганиш, тузилган режаларни вақти-вақти билан янгитдан куриб чиқиш ва вазиятларга мослаштириш лозим:
3. Коррекция ишларида нафақат болани, унниг атроф мухитни ҳам ўзгартириш керак:
4. Индивидуал ишларни болага сездирмаган холда яони таббий холда бажариш керак, шунинг учун бола шахсига нафақат ўқитувчи ўзи, жамоа орқали ижобий таъсир кўрстиш зарур:
5. Индивидуал ишлари доимий узлуксиз булиши учун ўқитувчи синфда ишлайдиган барча педагоглар, ота-оналар, махалла жамоатчилик билан жамкорликда ишлаш керак.

Фақат юқорида курсатилган шароитларга асосланиб, ўқитувчи индивидуал ишларида самарали натижа куриш мумкин бўлади.

Таянч иборалар.

Тарбияда индивидуал ёндашиш, ёш хусусиятлар ва индивидуал хусусиятлар, улгурмовчи болалар, тарбияси оғир болалар, иқтидорли болалар, шарт-шароитлари ва методик асолари.

МАВЗУ: 12. БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИ, ОТА-ОНАЛАРИ ВА МАҲАЛЛА ҚЎМИТАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ИШЛАШ МЕТОДИКАСИ.

РЕЖА:

1. Болаларни тарбиялашда оиланинг роли.
2. Мактаб, оила ва жамоатчиликнинг тарбиядаги мақсадларнинг бирлиги.
3. Мактаб, оила ва махалла қўмитаси ҳамкорликнинг методикаси.
4. Адабиётлар.

1.Болаларни тарбиялашда оиланинг роли.

Инсонни тарбияси оиладан бошланади. Агар ота-она бўлмаса, ёки улар ўз вазифаларини яхши бажармасалар, давлат болалар тарбиясини ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (1992-14 бобда) ҳамда оила ҳақида Кодексида (1998-73 мод) ота-оналарнинг тарбиядаги бурчлари алоҳида кўрсатилган: «Ота-оналари ўз болаларини вояга етгунча боқиш ва тарбиялаш мажбурдир».

Таълим тўғрисидаги Конунда бу фикр янада аниқ ҳолда берилади: вояга етмаган болаларни ота-оналари ёки қонуний вакллари боланинг қонуний хуқуқлари ва манфаатлари химоя қилишлари шарт ҳамда уларни тарбияси ва таълимини олишлари учун жавобгардирлар.

Ўзбек халқ ижодида бу масалага жуда кўп мақоллар бағишлиганлар (уларни биз амалий машғулотларда кўриб чиқамиз). Мисол учун: «Алла» кўшиғи - уни бола даставвал онасидан эшитади.

Эртак ва достонлар, мақоллар ва қўшиқлар, ҳадислар минглаб йиллар давомида янги авлодларга миллий урф одат, анҳаналар тарихий ва маданий қадриятиларни шакллантиради ва уларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялайдилар.

Ҳар қайси бола ўз ота-онасидан қўпгина фазилатларни қабул қиласди, улардан ҳаётга, меҳнатга, Ватанга бўлган муносабатни ўрганади.

Бошқа халқлар қатори ўзбек оилалари ҳам миллий тарбия анҳаналарига бой. Оила миллий дунёқарашиб манбаи сифатида болаларда миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Тарихан ўғил-қизлар ўз ота-оналаридан ўзлаштирилган дунёқарашибни синтез қилиб ўз оилавий дунёқарашибларига айлантирилган. Оила ўғил-қизларда миллий феол автор хусни хулқ тарбияси манбаи булиб келди.

Ота-оналар ҳар куни, ҳар соатда узлари билиб билмаган ҳолда тарбиявий таъсир курстиб, болаларига хатти-харакатлар юриш, туриш, сузлаиш, қулиш, овқат ейиш, ювениш, муомала қилиш, мезбон ва меҳмон муносабати меёрларни сингдириб келмоқдалар. Айниқса ўғирлни-оталикга, изни-уй бекаликга, оналикка тайёрлаш миллий тарбиядаги икки йуналиш ўғил ва қизлар тарбияси мавжудлиг курсатади.

Ёш авлодларнинг турмуш тарзини шакиллантиришда ҳам ота-оналарнинг роли каттадир, чунки улар ўз намунаси билан, ўз харакати билан ўз фарзандларни соглом қилиб борадилар.

Та-онаобруси миллий тарбияни асосидир. Айнан шу омил орқали улар фарзандларини онгига, хулқ авторига маънавий таъсир қиласди, б ота-онанинг фарзанд тарбияси машғул билан булаётган бир пайитда билинади.

2 Мактаб, оила ва жамоатчиликнинг тарбиядаги мақсадларининг бирлиги.

Келажакни қурувчи ёш авлод экан, уларни оилада тарбиялаш, уларни қандай йул билан таобиялаш кераклигига эотибор бермогимиз лозим. Чункихар бир оила ижтимоий жихатдан хар хил тарбиялаш ҳам шунга кура булади. Тарбиялаш ҳам олаларда хар хил бўлади, чунки ёш ота-оналар учун бироз мураккаброқ булса, ўрта ёшидаги оилаларда осонроқдир, кексалар орасида эса хотиржамлик. Бундай булинишида тарбиячилар ҳам хар хил бўлади. Лекин ҳамма ота-оналар ўз фарзанди хар томонлама ривожланган, комил инсонни тарбиялашни умид қиласди. Жамиятимига ҳам бунақа фуқаролар жуда зарур, чунки янги мустақил давлатимизда янги комил инсон яшаш керак. Ўз буюраман жамиятимиз матаб, ўқитувчилар худудига тайинланади. Демак, мактаб, оила ва жамоатчиликнинг тарбиядаги мақсадлари бирхил экандир. Буни хисобга олган ҳолда ўқитувчилар шаркона таълим тарбия йулларни, ахлоқ -одоб мезонларини чукур ўрганишлари керак ва уни тарбиявий тадбирлар жараёнда ташкил этиш мумкин. Ўлар Осиё халқлари миллий педагогик меросини, халқ педагогикаси аноаналари ва уни таълим тарбия ишида куллашлари учун кенг имкониятлар мавжуд. Ал-Хоразмий, ал-Фаробий, Ибн Сино, ал-Беруний, Марғилоний, М.Улуғбек, А. Навоий, Бобур, Авлоний каби куплаб, тарбия илмий етакчиларини, асрлар давомида миллатимиз эотикоди, булиш илом дини ахлоқий мезонларин тарғиботчилари Ал Бухорий, Ат-Термизий, Нақшбанд, Ассавийлар номи эотикод, ахлоқ-одоб. Таълим-тарбия борасидаги бекиёс меросларини тарғиб қилиш ҳам бу ерда фаолият кўрсатаётган махоратларни оширади.

Умуман олганда, ёш авлодларни тарбиялашда учта асосий субъект олиб бормоқдалар: ота-оналари, махалла (микросотциум) ва мактаб орқали жамоатчилик (микросатциум). Бу учала тарбия субъектларнинг тарбиядаги мақсадлари бирлиги ва аҳамиятини олган хода асосий субъект мактаб бўлиб хисболанади. чунки мактаб ўқитувчи ота-оналар ва жамоатчиликнинг ҳамкорлик ишларини йуналтиради ва ташкил этади:

Демак, мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигини болалар тарбиясида хал қилувчи бугин булиб бунда ўқитувчи-тарбиячиларниг ташкилотчилик муаммони хал этувчи хисболанади.

3.Мактаб оила ва махалла қумитаси ҳамкорликнинг методикаси.

Юқорида айтганини хисобга олган ҳолда ўқитувчи жамиятмизда таянч бўлиб хисболанади.

Бошланғич мактаб болаларни тарбиялашда ўқитувчи ота-оналари билан ҳамкорлигини ташкил этиш шакллари ва усуслари қўйидагича:

1. Ота-оналарнинг йиғилишлари;
2. Ота-оналанинг мактаби, факулртети ёки университет (1-4 йиллик);

3. Очиқ эшиклар куни;
4. Оиласа бориши
5. Ота-оналар ва жамоатчиликнинг савол-жавоб кечалари, давра-сухбатлари, анжуманлари
6. Шахсий ва гурухий сухбатлар.

Ота-оналарнинг йиғилишларда тула равишда хозир бўлишларини таъминловчи энг асосий шарт-бу йиғилишларнинг қизиқарли ва мазмуни ўтказилишидир.

Бу йиғилишларда ота-оналарни ва ўқитувчиларни қизиқтира оладиган аниқ ва равшан масаллар қуйилиши мухимдир. Ота-оналар ўқув вазифаларни яхши бажарилишини таъминлаш учун қуидагиларга иоя қилсалар яхши бўлади:

-ўқувчиларни машғулотлаидан кечикишларига ва дарсга кеч қолмасликларига йўл қўймаслик;

- Уй вазифаларини шошилмай, аниқ бажариш имконини вужулга келтириш.
- Болаларни уй вазифаларига хаоллик билан қарашга ўргатиш, болани гайрат ва чидамлик ошириш

Ота-оналар мактаби, факултет, университет машғулотларда мухома қилиш учун қуидаги мавзуларни чиқариш мумкин:

- Мактаб, оила ва жамоачиликнинг тарбия мақсадларининг бархиллиги;
- Тарбиянинг педагогик ва спихнологик асослари;
- Ота-оналарнинг обруси, унинг турлари;
- Болаларга ва ота-оналарга мактабнинг талаблари;
- Бошланғич синф боланинг кун режими.
- Оилани ривожалантириш ва мустахкамлаш;
- Оилада ақлий, ахлоқий, иқтисодий, меҳнат, нафосат, экологик, жисмоний, хуқуқий тарбия;
- Болалар ва дин...

Мисол учун, оиладаги якка фарзандини тарбиялаш муаммосини мухокама қилганда, ўқитувчи нимага биринчи навбатда эотибор беришлари керак:

1- Педагогик жихатдан якка болалик тарбияни қандай қилиб қийнлаштиради;

2.-Бу қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкин (ижтимоий, табиий ва руҳий нуқтаи назардан)?

Намунавий оилаларни топиш, улранинг тажрибаларини махалла, қишлоқ, шаҳарларда оммалаштириш-педагогнинг мухим вазифалардан биридир. Чунки агар оилада ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам бир бирига ишонч холати мавжуд экан, бундай оилада росгуй, оммавий, меҳрибон, ўртоқларига доимо ёрдам беришга тайёр бўлган инсон камол топади. Ўзида одобли, кишига хос фазилатларни мужасамлаштирган кишиларнинг оилаларида доимо хузур-халоват ва самимий хурмат қарор топади.

Педагог-олимлар тадқиқотларда исботлаганидек, оилавий ва ижтимоий тарбияга доир ишларни қўйидаги шакл ва усуллардан иборат бўлиши мумкин.

1-Махаллардан оила ва жамоатчилик ҳамкорлик кунларни ташкил этиш;

2-болалар яшаш жойларда ҳамкорлигига «Соғлом-байрамларни», спорт мусобақа, «қувноқ стартларни» ўтказиш;

3- тарбияси оғир болаларни назоратга олиб, улар билан шасий ишлаш ёндошувда, мактабларда ташкил этилаётган тадбирларга махалла, ота-оналар, ишлаш жойлардан раҳбариятларни таклиф қилиш;

4- оилаларга анқ амалий ёрдам бериш мақсадида тез-тез доктор, юрист, иқтисодиётчи, педагог ва психологиярни маҳсус тадбирларга таклиф қилиш ва зарурый шарт-шароитларни яратиш;

5-зарур булган холда оилаларга давлат томондан моддий ёрдам таъминлаш.

Мазкур ҳамкорлик ишларни режалаштиришда ва амалга қуллашда ота-оналар қумитаси мухим ролр ўйнайди, чунки қумита аозолари энг фаол, энг қизиққан ота-оналардан иборат

Юқорида кўрсатилган ҳамкорлик ишларнинг усул ва шакиллар қўйидаги шароитларда бажарилса, тарбия самарадорлиги янада ошади;

1)Мактаб ўзининг барча таъсирлари мажмуини оилавий тарбия жараёнига изчил йуналтиrsa;

2)Ўқитувчилар жамоаси оила ва махалла билан ўзаро ҳамкорлиги даврида ўзларнинг этник педагогика талабларини асосида тарбияни тўғри ташкил этса;

3) Халқ таълими ва муассалар ташкилотчи ота-оналарни ва жамоатчиликни тарбиявий жараёнга тизимли уюштиrsалар;

4) Ўқитувчилар томонидан оилавий тарбияга раҳбарлик болалар мактабга келмасдан олдин бошланса ва ишлар уларнинг барча ўқув йиларида давом эттирилса.

Таянч иборалар

Тарбия субҲектлари қатнашчилари, оила ва авлдларни хаётга тайёрлаш, оила ва мактаб, жамоатчилик, махаллаҳамкор ишлар шакллари.

II ҚИСМ

1 МАВЗУ: АХЛОҚ-ОДОБ ТАРБИЯСИННИГ МАНБАЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.

РЕЖА:

1. Ахлок-одоб тарбияси ҳақида тушунча. Ахлок-одобнинг таълим-тарбия тизимида тутган ўрни.

2. Ахлоқ-одоб тарбиясининг манбаалри.
3. Президентимиз И.А.Каримовнинг асарлари ва нутқларида ахлоқ-одоб тарбияси муаммолари.
4. Бошлангич таълим туғрисидаги меоёрий хужжатларда ўқувчилар ахлоқ-одоб тарбиясини такомимллаштириш масалари.
5. Адабиёт.

1.Ахлоқ-одоб тарбияси ҳақида тушунча. Ахлоқ-одобнинг таълим-тарбия тизимида тутган ўрни.

Одоб-ахлоқ, хулқ, атвон сузлари аорабча бўлиб, улар ўзбек тилида ҳам ўз маъносига ишлатилади. Айрим адабиётларда ахлоқ-одоб кишиларнинг хар бир жамиятга хос хулқ нормалари мавжуд, дейилса, бошқалариданэса, ахлоқ ижтимоий онг шаклларидан бири, ижтимоий тартиб-қоида бўлиб, бу тарбия-қоида ижтимоий хаётнинг истисносиз ҳамма соҳаларида кишиларнинг хатти-харакатини тартибга солиш функциясини бажаради.

Одоб-ахлоқ бизнинг хаётимизга ва онгимизга фаол таъсир этади, кишилк жамият номидан яхшилик билан ёмонлик, адолат билан адолатсизлик, меҳр билан зулм уртасидаги ва инсоний муносабатларидаги макбул ва номақул, ман этилмайдиган ва ман этиладиган ишлари, хатти-харакатларни белгилаб беради. Шарқ мутаффакирлари одоб-ахлоқни иккига ажратиб тавсиф этадилар.

Атоқли педагогик ва шоир Абдулла Авлоний одамларни «яхши хулқли ва ёмон хулқли» тоифага булади, одоб-ахлоқ, тарбиясини такомиллаштириш учун курашилади.

Одоб-инсонни маънавий камолотга еткказувчи жараёндир. Одоб болаликдан шакилланади. Ёш улғайғани билан одоб даражаси кенгайиб боради.

Одоб деганда биз тарбияли деган тушунчани англаймиз. Одобли киши эл орасига эзозлидир. Одобли киши эл орасига эзозликдир. Одоб инсоний фазилат, киши кадрини баланд қилувчи қимматли сифатдир. У таълим тарбияни асл мевасидир, ақлининг муянчиғи хисобланган одоб барча фазилатларнинг шани ва хикматидир. Доно халқимизнинг одоб бозорда сотилмас, «одоб ақли учун улуглик ва фазилатдир» одобсиз ақл-ақлсиз одоб йуқ вакиллари бежиз айтилмаган. Шундай экан, ақл ва одоб бир-бирига боғлиқ. Инсонда хар икови мавжуд булсагина камол топади. «адаб икки хилдир, хикмат ва хизмат адаби».

Ахлоқ-одоб муносабатлари даставвал оиласида шакилланади. Ундан кейин болалар боғчаларида, мактаб ўрта ва олий ўқув юртларида, ярмида, жамоа жойларида такомиллашади.

Бошлангич синфларда нафақат таълим мининг мазмунни, миллий ва умум инсоний қадриятларни, халқимизнинг аноаналари, маданиятни, куп асрлик тажрибаларини ўргатишни ҳам кузлаб ташкил этади.

Мактаб болаларни одоб-ахлоқ, борасида тарбиялашда, дарс жараёнида синфдан ва мактабдан ташқари турли-туман ишларда олиб борилади.

Ўқувчиларга билим (тасаввурлар-хиссий, образли билимлар, ахборот-оғзаки маълумот, тушунча-умумлашган билим), малака ва одатлар берилади.

Ўқувчи-ёшлар болалигидан одоб ва одобсизлик ҳақида тушунча олдаи. Улар ахлоқий тушунчаларни бадий ва илимий адабиётлар, хаёт, кинофильм ва спектаклар орқали англайдилар. Ёшларни ахлоқий рухда тарбиялаш характер хусусиятларини таркиб топтиради. Уларга мақсадга интилувчанлик, ўқиш ва ишда методлик, катоиян, ташаббускорлик, уюшқоқлик, кийинчиликлардан қуқмасдан киради.

Шундай қилиб ҳалқ таълими тизимида ўқувчиларни ўқитиг уларга ахлоқий мукаммаллаштириш билан бирга олиб борилади. Уларда онг билан хулк бирлиги тарбияланади. Шахснинг жамияти ва Ватанга, меҳнатга, кишиларга, ўз хулқига булган муносабатларни текширилади.

2.Ахлоқ-одоб тарбиясининг манбаалри.

Замонавий ахлоқ-одоб тарбияси куп асирик тажрибасида асосланади. Шунинг учун унинг асосий манбаи-ҳалқимизнинг миллий-моддий меросидир, жумладан ҳалқимизнинг оғзаки ижод урф-одатлари, аноаналари ва бошқалар.

Ҳалқ оғзаки ижод намуналаридаги одоб-ахлоқ таълим-тарбия борасидаги пандномалар беғоят хаётий хақчил ва иборатли. Ҳалқ оғзаки ижоднинг инсон маънавий устиворлиги иймон этиқодининг бутунлиги ватанпарварлик, дуст биродарлик, яхшилик, ахиллик ва қадр-қимматини улуғловчи сахифалари ранг баранг.

Ота-боболаримиз ахлоқ-одоб ҳақидаги хикоятлари, насл ва ривоятлари фарзандларимизнинг маънавий қадриятларини шакиллантиришда мухим касб этмоқда. Айниқса, одоблилик ва ахлоқий, эзгулик, инсонийлик ва маънавий қадриятлар шахс камолотида дастур амал булиб келмоқда.

«Бола бошидан, унинг тарбияси бешигадан бошланади», дейди, доно ҳалқимиз. Шунинг учун ҳалқимиз болаларни гудаклигиданоқ, бешикда ётган чоғиданоқ салом беришга ўргатали. Инсон дустига, кексаларга, устозларга, меҳмнларга бериладиган салом ҳалқимизнинг энг яхши хислатлари хурмат-этиромини билдирадиган дилни-дилга улайдиган меҳр-оқибат куприк булиб, ахлоқ-одобнинг асоси хисобланади.

Ахлоқ-одоб тарбиясининг яна бир мухим манбаларидан буюк шарқ мутафаккирларнинг ва олимларнинг қарашлардир.

